

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА  
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши  
4-93 гурӯҳ талабаси**

**Эшмурзаев Хамид Шерали ўғли**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: «Туққан сигирдан олинган оғиз сутини турли усуллар билан  
бузоқларга ичиришни ўргатиш таҳлили»**

**Илмий раҳбар:**

Зоотехния кафедраси  
доценти, к.х.ф.н.

**Авизов А.Г.**

**"Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди"**

Зоотехния кафедраси мудири,

Зоотехния факултети декани,

доцент

A.X.Холматов

доцент

У.Ш.Балласов

2013 "\_\_\_" \_\_\_\_

2013 "\_\_\_" \_\_\_\_

**Тошкент -2013 й.**

## МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
I	Адабиётлар шархи.....	8
1.1.	Туғилган ёш авлодни ўсиш, ривожланишига таъсир этувчи омиллар.....	8
1.2.	Қорамолчиликда бузоқларни парваришлаш усуллари.....	16
II	Тажриба ўтказиладиган хўжаликнинг қисқача тасвири ва ишлаб чиқариш жараёни.....	22
2.1.	Бузоқларни сут давридан кейин боқиши.....	30
2.2.	Жадал ўстиришнинг сут маҳсулдорлигига таъсири.....	32
2.3.	Фунажинларни дастлабки қочиришда тирик вазни ва ёшининг маҳсулдорликка таъсири.....	34
III	Тадқиқот таҳлилиниң ўтказиш шароити ва услуби.....	39
IV	Хусусий тадқиқотлар натижалари.....	42
4.1.	Тажриба гуруҳларидаги бузоқларни озиқлантириш.....	42
4.2.	12 ойликгача ўстириш учун сарфланган озуқанинг меъёрий таркиби.....	43
4.3.	Бузоқлар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши.....	43
4.4.	Озиқа сарфини маҳсулот билан қопланиши.....	46
4.5.	Бузоқларнинг касалланиш жараёни.....	46
4.6.	Иzlаниш таҳлилиниң иқтисодий самарадорлиги.....	48
	Хулоса ва амалий тавсиялар.....	50
	Фойдаланилган адабиётлар.....	51

**Ўзбекистон -мустақиликка**

**эришиш остонасида**

**Ислом Каримов**

## **КИРИШ**

Республикамизда чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш йўлига ўтилди. Республика чорвадорлари олдига қўйилган бу улкан вазифани муваффақиятли ҳал этиш ем-хашак етиштиришни кескин кўпайтиришни, барча молларни озиқ билан етарли даражада таъминлашни, генетика ва селекциянинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда селекция ишларини яхшилаш асосида мавжуд молларнинг ирсий имкониятларини янада оширишни, подани тўлдиришга мўлжалланган ёш молларни боқиш шароитларини тубдан яхшилашни, чорвачиликда фан - техника тараққиётини жорий этиб, уни индустрисал асосда бошқаришни ва барча тоифадаги чорвадор кадрларнинг малакасини оширишни талаб қиласди.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг энг асосий шартларидан бири фермер хўжаликларида янги прогрессив технологияни жорий этишdir. Бу тадбир, биринчи навбатда, йирик фермер хўжаликларида, шунингдек, яхши ем-хашак базаси бўлган ҳамда фермалардаги мураккаб ишлар комплекс механизация зиммасига юклатилган хўжаликларда амалга оширилиши керак.

Бузоқларни жадал суръатлар билан боқиш ҳам республикамиз чорвачилигини ривожлантиришдаги энг муҳим резервлардан бири хисобланади.

Ҳозирги пайтда республикамизда қорамолларнинг ўртacha суткалик семириши 350 граммдан ошмаяпти, бу зоотехника нормасидан икки баравар кам. Шу сабабли уруғлантиришда вазни паст пачоқ моллардан фойдаланилмоқдаки, бу молларнинг маҳсулдорлиги ва подалар структурасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳозир республикамизда ғунажинлар

ёши ўрта ҳисобда 31-33 ойлик бўлганда биринчи марта бола бермоқда, бу эса оптимал ёшдан 5-7 ой ортиқдир. Гунажинларнинг оптимал муддатдан бунчалик кечикиб туғиши ем -хашакнинг ортиқча сарфланишига ҳамда пода структурасининг бузилишига олиб келмоқда. Ҳозир подалар структурасида 35-40 % ўрнига 25-30 % ни сигирлар ташкил қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, факат юқорида айтилган резервнинг ўзигина ишга солинадиган бўлса ҳамма хўжаликларда ҳам ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 4000 кг дан оширса бўлади.

Хўжаликлар мисолида биз шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, тажриба учун узоққа боришининг ҳожати йўқ асло, шу илғор хўжаликнинг иш услубларини жадаллик билан бошқа хўжаликларда жорий этишимиз катта фойда келтиради.

Чорвачиликда ёш молларнинг нобуд бўлишини олдини олиш, молхоналарда микроиклим ҳосил қилишнинг автоматлашган тизимини қўллаш, ёш моллар организмини зарур бўлиб қолган жойларини электр билан иситиш ва нурлантиришнинг табақалаштирилган тизимини амалга ошириш, ёш қорамолларни боқиши учун автоматлашган ускуналардан фойдаланиш чорваликда энг долзарб масала ҳисобланади.

Чорва молларнинг маҳсулдорлигининг оширишда, уларни тўлиқ озиқлантириш ва асраш шароитларини яхшилаш ҳамда наслчилик ишларини тубдан яхшилаш орқали эришиш мумкин.

Шу билан бирга юқори маҳсулдорликка эса сигирларни этиштиришда подасини тўлдирувчи бузоқларни ўстириш кўп омилларга боғлиқдир.

Бу омилларни ўрганиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда бузоқлар ўстиришни ташкил этиш эса юқори маҳсулдор подалар яратиш суръатини оширишда ва зотни такомиллаштиришда мухим илмий - амалий аҳамиятга эга.

Бузоқларни ўстиришдаги асосий вазифа - бу уларни шундай тарбиялаб парвариш қилиш керакки, сигир бўлганда улардан юқори маҳсулот олиб, ҳар иили бир бошдан бузоқ олишдир.

Маълумки, янги туғилган бузоқлар турли касалликларга дучор бўлиб

(айникса ошқозон), биринчи 10-15 кун ичида ҳалок бўлишлари мумкин.

Бунинг асосий сабаби озиқлантириш ва сақлашнинг нотўғри ўтказишдир. Шу билан бирга бўғоз сигир ва ғуножинларни асраш усулларини камчиликлари, туғиш жараёнини тўғри ўтказмаслик ва туғилган бузоқларнинг биринчи кунларида озиқлантириш ва асраш камчиликлари бунга мисол бўла олади.

Соғлом бузоқ олишнинг комплекс омиллари ва уни касалликлардан профилактика қилиш учун биринчи навбатда сигир ва буқани (жуфтлашга) қочиришга тўғри тайёрлаш, бўғоз сигир ва ғунажинларни туғишга тўғри тайёрлаш, тўғри ўтказиш ва туғилган бузоқни сақлаб ўстиришдир.

Олимларнинг таъкидлашича, буқаларнинг биринчи маротаба қочиришдан (50% дан кам) - сигир оталанса бу буқадан наслчилик ишида фойдаланилмайди. Бундан ташқари, сигирларнинг тугадиган жойи ҳам маълум аҳамиятга эга. Агар жой қисқа бўлса, қаттиқ ер (тўшама) бўлмаса ёки бошқа камчиликлар бўлса сигирларда стресслар бўлиб туғиши қийинлашади ва туғилган бузоқлар эса агар уларнинг физиологик талабларига кўра оғиз сути ичирилмаса - берилмаса (вақти, миқдори ва маротабаси) уларнинг биринчи навбатда (ошқозони) улар турли касалликларга дучор бўладилар. Шунинг учун ҳам бизнинг тажрибамиизда туғилган бузоқларни кунига уч маротаба вақтида улар билан тегишли ишлар олиб борилди.

### **Оғиз сути.**

Сигир ёки бошқа сут эмизувчи ҳайвонларнинг елинидан 5-7 кун давомида чиққан сут - оғиз сути деб айтилади. Барча сут эмизувчи ҳайвонларнинг ёш туғилган болалари учун оғиз сути энг муҳим керакли модда ҳисобланади - П.Н.Васильев -1976.

Оғиз сути бу сарғиш рангли, қуюқ оқ суюқлиқдир. Сутга нисбатан, оғиз сутида қуруқ модда, оксил, витаминалар ва минерал тузлар кўп бўлади. Оқсил таркиби бўйича оғиз сути қонга яқинроқ туради, чунки унда албулин, глобулинлар, фосфор, калций ва магнийлар жуда кўп бўлади.

Оғиз сутида каротин моддаси қарийб 100 марта кўп сутга қараганда,

витамин "С" 10 маротаба кўп. 1 кг оғиз сутида 4 мг витамин "А" ва 2,1 мг витамин "Е" бўлади. 1 кг оғиз сутининг тўйимлигиги 0,38 - 0,43 озиқ бирлигига тенг, туғилишнинг биринчи кунларида эса - 0,78 о/б.

Оғиз сутининг тўйимлигига бериладиган рационлар таркиби жуда кўп таъсир кўрсатади деганлар- Д.К.Михайлова, В.К. Космачева -1984.

Оғиз сутидан олинган госсипол моддаси паст бўлган сафрон шротидан олинган лактоглобулин юқори маҳсулдорли подалар яратишга хизмат қиласди.

Ҳозирги кунгача кўп хўжаликларда туғилган бузоқни онасини бир кун эмизиб, кейин алоҳида бузоқхоналарда уларга маҳсус идишлардан сўрғич орқали она сути ичирадилар ёки маҳсус одишга солиб ичирадилар.

Онасини эмизиб турганда, айниқса янги туғилганда биринчи маротаба - эмганда озиқавий рефлекс иммун (резистентлиги) кўтарилади. Чунки бузоқлар иммуноглобулинни фақат оғиз сутидан оладилар. Шунинг учун туғилган бузоқ қанча тезкорлик билан оғиз сути билан таъминланса, шунча кам ошқозон касалликлари билан касалланади.

Шуни яна ёдда тутиш керакки, туғилган бузоқлар иммуноглобулинни биринчи (24-36 соат) ичида ҳазм қиласдилар. Энг яхшиси 12 соат ичида ҳазм қилинади. Шунинг учун туғилган бузоққа биринчи кунлари оғиз сути билан таъминлаш лозим, улар онасининг ёнида бўлишлари керак. Онаси билан бўлган бузоқлар ўзини тинч сақлайди, эмиш жараёни кўпроқ ва узокроқ бўлади, чунки ўзининг физиологик талаблари таъминланади-М.В. Крылов -1988.

Шунинг учун олимлар ва мол - докторлари туғилган бузоқларни онасини 6-8 кун орасида эмизиш кераклигини таъкидлайдилар.

**Тажриба тахлилимизнинг мақсади:** Бузоқ онасини эмизиб ўстирилганда (6-8 кун) бўладиган самарадорликни аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш.

**Тажриба тахлилимизнинг вазифаси:** бузоқларнинг ўсишини, ривожланишини. касалликни енгишини (резистентность) ва 18 ойликгача (уларни қочириш -оталантириш) пайтида ўсиш кўрсаткичларини ўрганиш ва самарадорлигини аниқлаш.

**Бизнинг тадқиқот таҳлилларимиз** -Сирдарё вилоятида изланишлар олиб борган: А.Г.Авизов, Т.Ш.Акмалхонов ва Б.Ш.Юсупвларнинг тадқиқот ўтказишларнинг таҳлили ҳисобланади.

## I. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

### 1.1. Туғилған ёш авлодни ўсиш, ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Маълумки, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар, ферментлар ва витаминаларга бой қимматли озиқ маҳсулоти бўлиб, енгил ҳазм бўлади. Қорамол, зебу, буйвол, қўтос, бия ва эчкилар ўз боласи учун керагидан кўп миқдорда сут беради. Сутдан ёғ, қаймоқ, пишлоқ, сузма, қатик, қимиз, музқаймоқ ва бошқа истеъмол маҳсулотлари тайёрланади.

Ҳайвонларнинг туғишидан бошлаб сутдан чиққунигача бўлган давр *лактация (согим) даври* дейилади. Ҳайвонлар сутдан чиққандан бошлаб туғишгача бўлган давр (сухостой) сутдан чиққан даври дейилади. Лактация даврининг узун -қисқалиги ҳар хил тур ёки зот ҳайвонларда ҳар хилдир. Бу давр асосан сут йўналишидаги юқори маҳсулдор сигирларда узоқ даврни ташкил этади. Лактация давомида кунлик ёки ойлик соғин миқдорининг графикда ифодаланишига лактация қиялиги дейилади. Лактация қиялиги асосан уч хил бўлади, бошида кўтарилиб кейин аста - секин пасаювчи, кескин пасаювчи ва қўш киррали бўлади - Ш.А.Акмалхонов, М.Э.Аширов (1986).

Елинда сут ҳосил бўлиши ва ажрилиши мураккаб жараён бўлиб, уни олий нерв системаси ва гормонлар бошқаради. Соғим миқдорига жуда кўп физиологик омиллар таъсир қиласи. У лактация бошида маълум давргача кўпайиб бориб, сўнгра аста -секин пасайиб кетади. Лактация давомида сутнинг таркиби ҳам ўзгариб боради. Лактация бошида сутдаги қуруқ моддалар, ёғ, ва оқсил миқдори кам бўлиб, унинг охирги даврларида бу моддалар миқдори кўпайиб боради.

Сут маҳсулотининг миқдори ва сифатига ҳайвонларнинг зоти, шахсий хусусиятлари, ёши, физиологик ҳолати, озиқлантириш ва асрар шароити, йил мавсуми, соғиш режими, техникаси ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Қорамол зотлари сут маҳсулоти бўйича бир- биридан фарқ қиласди. Серсут ва серёғ сут берувчи зотлар мавжуд бўлиб, серсут қорамол зотларига гольштинофриз, қора -ола зот мисол бўлиши мумкин.

АҚШда гольштинофриз зотининг йил давомида ўртача 6000-7000 кг ва ҳатто 8000-9000 кг сут берувчи подалари мавжуд. Санкт-Петербург (собиқ Ленинград) вилоятининг "Лесное" наслчилик заводида қора-ола зот сигирларидан ўртача 6000 кг ва ундан ҳам кўп сут соғиб олинади. Тошкент вилоятидаги "Чиноз" наслчилик заводида шу зот сигирлардан ўртача 5000 - 5500 кг сут олинмоқда.

Серёғ сут берувчи сигирларга жерсей, гернсей зотлари киради. Сигирларнинг сут маҳсулоти ёши ортиши билан ўзгариб боради. Кўпгина олимларнинг фикрича, сигирларнинг 4-6 туғишида энг юқори миқдорда сут соғиб олиш мумкин. Биринчи туғишидан юқори маҳсулдорликка сутнинг ўсиши 30-40% ни ташкил қиласди.

Сут маҳсулотининг ёшига қараб ўзгариб бориши унинг озиқлантириш тизимида ва ирсиятига боғлик.

"Караваево" наслчилик заводида 10 та сигирнинг ҳар бири 10-12 лактациясида, 300 кун давомида 8723- 12198 кг сут берган. Кострома зот Краса, Опитница ва Благодать лақабли сигирлардан 15-20 йил фойдаланиб, улардан умри давомида 120000 кг гача сут олинган.

Сутдаги ёғ ва оқсил фоизи, яъни 0,1-0,2% миқдорда ошиши қузатилган. Сигир ёшининг ва сут маҳсулотининг ошиши билан сутдаги ёғ миқдорининг ўзгариши бўйича уч хил типдаги сигирлар мавжуд. I типда сут миқдорининг ошиши билан унинг ёғлилиги ҳам ошиб боради. II тип сигирларда сутнинг ошиши билан унинг ёғлигиги камаяди. III тип сигирларда сут миқдори ўзгариши билан ундаги ёғ миқдори қарийб ўзгармайди.

Сигирларниг тирик вазни билан сут маҳсулоти орасида ижобий боғланиш мавжуд. Кўпгина олимларнинг фикрича, сут йўналишидаги сигирлар вазнининг 600-700 кг ошиши билан сут маҳсулотининг ошиб бориши аниқланган. Сут маҳсулоти бўйича рекордист сигирлар: кострама зотидаги

Послушница II сигири 14115 кг сут берганда унинг тирик вазни 765 кг бўлган, симментал зот Летка лақабли сигир 13037 кг сут берганда тирик вазни 632 кг бўлган.

Сут маҳсулотининг миқдори ва сифатига озиқлантиришнинг таъсири жуда катта, чунки сутнинг ҳосил бўлиши организмда жуда кўп озиқнинг ҳазм бўлиши ва сутга чиқиб кетиши билан ифодаланади.

Бузоқ туғилгандан кейин уларнинг ривожланишини кўп жихатдан эмбриогенез шароитлари белгилайди. Молларнинг индивидуал ривожланиши давомида табақаланиш ва ўсиш жараёнлари обдон кучаяди.

Эмбриогенезнинг барча босқичларида бўғоз молларни маромига етказилган озиқлар билан боқиш тетик, соғлом ва бўлиқ бузоқ олишнинг ғоят муҳим шартларидандир.

Шуни қайд этиш керакки, эмбрионал даврда -ҳомилада сигирларнинг муҳим аъзоларидан бири - сут бези шаклланади.

Қорамолларнинг ҳомиласида 4 -6 хафталигида сут бези ҳосил бўла бошлайди.

Янги туғилган организм билан ташқи муҳит ўртасида (унинг эмбрионал ривожланиш давридагига нисбатан) бошқача муносабатлар вужудга келади, чунки бунда ёш ҳайвон организмига озиқлантириш ва боқиш билан бевосита таъсир кўрсатиш имконияти пайдо бўлади.

Кўпгина олимларнинг фикрлари бўйича туғилган бузоқ эмбрионал ва пост эмбрионал ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, 5 та даврни алоҳида ажратиб кўрсатганлар:

**Янги туғилиш даври-** ҳайвоннинг туғилиш пайтидан то мустақиллик пайдо бўлгунга қадар бўлган даврdir. Бу, янги туғилган бузоқнинг постэмбрионал ривожланиш шароитларига мослашиш давриdir. Бу даврда организм мустақил ривишда озиқланади, нафас олади, қони ҳам ўз танасида мустақил айланади, гавда ҳароратини тартиблаб турadi, хилма-хил изтироблардан таъсирланиб, уларга нисбатан жавоб реакциялари ишлаб чиқади. Эндиғина туғилган бузоқ постэмбрионал ривожланиш шароитларига 10-15 кун

давомида мослашади. Бу вақтда уни касалликлардан ва шамоллашдан сақлаш ҳамда унда суст кўриладиган ҳимоя хусусиятларининг ривожланишига кўмаклашиш айниқса муҳимдир. Шу билан бирга у сут ичириш даври охиридан, то жинсий етилиш бошлангунча давом этади. Улар ўзларининг амалий тажрибаларига таяниб, шуни таъкидлайдиларки, эмизиш давридан кейин жинсий етилиш бошлангунга қадар қорамол бузоғи гавда вазнини орттириб бориши жиҳатидан сут ичадиган бузоқлардан қолишмайдиган эмас, балки ҳатто улардан афзаллик қиласди.

Бу ёш даврида бузоқларни мўл-кўл сифатли озиқлантириш - арzon тушадиган хашак-пичан билан боқиб, юқори даражада эт қўшилишига эришиш ва жуда тежамли равишда йириқ, сермаҳсул моллар ўстириш имконини беради.

Шундай қилиб, молларнинг индивидуал ривожланишига оид материалларни тахлил қилиб, шундай хуносага келиш мумкинки, ҳайвонларнинг эмбрионал ва постэмбрионал ривожланишини назарий жиҳатдан билиб олиш натижасида молларнинг ўсиши ва ривожланишини тўғри режалаш мумкин.

Юқори маҳсулдор мол ўстириш ҳамда унинг масулдорлик сифатларини ошириш учун бузоқнинг ўсиш ва ривожланишидаги қонуниятларни уларнинг келгусидаги маҳсулдорлигига боғлиқ бўладиган омилларни билиш, уларни хисобга олиш зарурдир.

Келиб чиқиши жиҳатидан бир хил бузоқларни ўстиришда у ёки бу усулни қўллаб, маҳсулдорлиги бир- биридан фарқ қиласидиган сигирларни ўстириш мумкин.

Бироқ, молларнинг индивидуал ривожланиш қонуниятларини, шунингдек уларнинг қимматлиги маҳсулот сифатларига бевосита таъсир қиласидиган ташқи муҳит омилларини билмай туриб, бунга эришиб бўлмайди.

Маълумки, организмнинг индивидуал ривожланиши тухум ҳужайрасининг уруғланишидан ҳамда зигота ҳосил бўлишидан эътиборан бошланади ва у ирсий белгилар ҳамда ташқи муҳит таъсирида организмнинг бутун ҳаёти мобайнида давом этади. Шунинг учун ҳам ҳайвонларга қулай

ташқи мухит шароити яратилгандагина ишлаб чикаришнинг ҳозирги шароитига мос келадиган ва маҳсулдорлиги манзур бўладиган молларни ўстириш мумкин.

Индивидуал ривожланиш ўз таркибига икки жараённи: ўсиш (миқдорий) ва табақаланиш (ривожланиш) сифатлини олади.

Ўсиш энг мухим хусусияти унинг тезлигидир, у хужайра бўлинишининг фаоллигига ҳамда хужайралар массаси кўпайишига ҳамда организмнинг ҳаёт шароитига боғлиқдир.

Табақаланиш (ривожланиш) ҳам, ўсиш сингари, организмнинг индивидуал ривожланишини намоён қиласи ва системалар ва аъзолар фаолияти туфайли ўзига хос функцияларда ифодаланади.

Ривожланиш натижасида ҳайвонларнинг кейинги индивидуал босқичлариа ҳазм қилиш трактининг янги вазифалари вужудга келадики, бундай вазифалар янги туғилган ҳайвонларда бўлмайди.

Организмнинг ривожланиш жараёни, генотип билан белгиланадиган даврларнинг мунтазамлиги ва давомийлиги ҳам ташқи шароитларга боғлиқдир.

Озиқланиш, ҳарорат, ёруғлик ва бошқа шароитлар мавжуд бўлганда ривожланиш жадаллашади, организм тезроқ етилади, унинг ҳаётийлиги ортади. Акс ҳолда, ноқулай шароитлар тана етилишини сусайтириб, қарилек жараёнларини тезлаштиради.

Қорамолларнинг индивидуал ривожланишида эмбрионал ва постэмбрионал ривожланиш алоҳида ажралиб туради.

Зигота ҳосил бўлишидан эътиборан эмбрионал ривожланиш бошланади ва бузоқ туғилиши билан тугалланади.

Молларнинг эмбрионал ривожланиши даврида ирсият ҳамда она организми ҳолати таъсирида эмбрионларнинг гавда тузилиши хусусиятлари ва физиологик функциялари шаклланади.

Бузоқ туғилгандан кейин уларнинг ривожланишини кўп жихатдан эмбриогенез шароитлари белгилайди- М.Д.Дедов -1982.

Эмбриогенезнинг барча босқичларида бўғоз молларни маромига

етказилган озиқлар билан боқиши-тетик, соғлом ва бўлиқ бузоқ олишнинг  
фоят муҳим шароитларидандир.

Янги туғилган организм билан ташқи муҳит ўртасида (унинг  
эмбрионал ривожланиш даврдагига нисбатан) бошқача муносабатлар вужудга  
келади, чунки бунда ёш ҳайвон организмига озиқлантириш ва боқиши билан  
бевосита таъсири кўрсатиш имконияти пайдо бўлади- Н.И.Клейманов -1963.

Олимларнинг таъкидлашларича, қорамолларнинг постэмбрионал  
хаётида 5 даврни алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Бу даврлар қуйидагилардан  
иборатdir.

**-Янги тугилиши даври** - ҳайвоннинг туғилиш пайтидан то мустақиллик  
пайдо бўлгунга қадар бўлган даврdir.

Бу, янги туғилган бузоқнинг постэмбрионал ривожланиш  
шароитларига маслашиш давридир- П.Д.Пшеничный, К.Б.Свечин-1966.

Бу даврда организм мустақил равишида озиқланади, гавда ҳароратини  
тартиблаб турди, хилма -хил изтироблардан таъсирланиб, уларга нисбатан  
жавоб реакциялари ишлаб чиқади.

Эндиғина туғилган бузоқ постэмбрионал ривожланиш шароитларига 10-  
15 кун давомида мослашади. Бу вақтда уни касалликлардан ва шамолдан  
сақлаш ҳамда унда суст кўриладиган ҳимоя хусусиятларининг ривожланишига  
кўмаклашиш айниқса, муҳимдир.

Бу фаза ( давр) 2-5 ҳафта давом этади.

**-Сут эмизии фазаси** -ёш ҳайвонларни она сутидан ажратгунга ёки сут  
бериш тамом бўлгунча давом этади. Бу фазанинг дастлабки даврида асосий  
озик сут ва обрат) зардоб ҳисобланади.

**-Вояга етиши фазаси** - Бунда ҳайвон танаси ўзгаради, жинсий  
органлар ва иккинчи даражали жинсий белгилар тараққий қилади. Бу фазада  
ҳайвоннинг ўсиши секинлашади.

**- Тўла етуклик ва функционал қобилиягининг гуллаб-яшаши фазаси.**

Бу даврда ҳайвонлар яхши, соғлом бола беради, максимум маҳсулдорлик  
ва ҳаётchanликка эга бўлади.

**-Қарилек фазасида-** моддалар алмашинувининг пасайиши, жинсий фаолиятнинг сусайиши, маҳсулдорликнинг камайиши билан характерланади.

Ёш ҳайвонлар шахсий тараққиётининг онгли равища бошқариб, турли усувлар мажмуи ёрдамида энг яхши белгиларга эга бўлган маҳсулдор ҳайвонларни келтириб чиқаришга мақсадга мувофиқ тарбиялаш дейилади.

Бу жараённинг таркибий қисмига қуйидагилар киради:

1. Ўстиришни мақсадини билиш (маҳсулдорлик йўналишини, ҳайвон типини белгилаш) фермер хўжаликлари асосида маҳсулот етиштиришга мослашдир-В.Ф.Красота-1968.

2. Таъсир этувчи омилни танлаб олиш.
3. Таъсир этувчи омилларнинг микдорини ёки ўлчамини белгилаш.
4. Ҳайвонларнинг жинсига, конституция типига, ирсий қобилиятига қараб тарбиялаш.

Ҳайвон организмига таъсир этувчи омиллар кўпинча инсон назорати остида бўлиб, унинг ихтиёрига қараб ўзгариши мумкин (З.Логинова -1965).

Ёш ҳайвонлар қариларига нисбатан анча мойилроқ бўлади. Бу эса уларни мақсадга мувофик равища тарбиялаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ҳайвонларнинг шахсий тараққиёти жараёнида асосан тўрт хил ўзгарувчанлик (комбинацион, мутацион, онтогенетик ва модификацион) намоён бўлади.

Биринчи учта ўзгарувчанлик ирсий характерга эга бўлиб, наслдан наслга ўтади.

Модификацион ўзгарувчанлик амплитудасини ташқи муҳит реакция нормаси дейилади- Н.И.Чернопятов -1980.

Кўпинча "бузоқларни тарбиялаш" деган мақолаларда бузоқни тарбиялаш она қорнида бошлаш лозим. Шу вақтда унинг келажакдаги соғломлиги ёки касаллигига, кучлигига ва кучсизлигига асос солинади - деган.

Унинг фикри бўйича бўғоз сигирлар рационида етарли даражада протеин, ёғ ва фосфор тузлари бўлиши шарт. Ҳайвонларни қочириш мавсумига ва қочиришга тўғри

тайёрлаш, яъни уларни турли озиқ билан озиқлантириш, моцион қилиш, қочириш даврида қўшимча ем бериш, яхши жойларда сақлаш ва асраш лозим.

Бу уруғ миқдорининг ошишига ва сифатининг яхшиланишига ҳамда уруғланишининг тўлиқ ўтишига сабаб бўлади.

Бузоқларни туғилган йилида яхши боқиб ўстиришнинг бир неча усуллари мавжуд- А.Ф.Решетникова -1965.

1. Она сигирлар остида бир неча бузоқларни эмизиб боқиш.
2. Махсус ажратилган сигирлар остида эмизиб ўстириш.
3. Кўп миқдорда, ўрта миқдорда сут ичириб қўлда соғиб ўстириш.
4. Кам сут бериб ёки ЗЦМ бериб, ёки махсус комбикормлар бериб ўстириш.

Шу усулларнинг ҳар бирининг яхши ижобий томонлари мавжуд:

- Туғилган бузоқ ўз онасини эмиб ўсадиган бўлса, меҳнат сарфи камаяди, чунки сигирни соғишга тайёрлаш, уни соғиш ва бошқа чора - тадбирлар йўқолади. Аммо бу фақат гўшт йўналишидаги сигирларда бўлади.

-Бузоқ туғилгандан кейин онаси ўлса ундан бузоқни бошқа янги туқкан сигирга эмизиб ўстирадилар.

Бу усулда ўстирилганда битта туқкан сигирга 2-3 бузоқларни эмиздириб боқадилар.

- Туғилган бузоқларни катта миқдорда табиий сут бериб (400-500 кг) ўстирадилар.

Бу усулда ўстирилган бузоқлар 6-7 ойлик ёшида жуда йирик ва чиройли бўлади.

Бу айниқса, наслчилик хўжаликларида қўлланилади, чунки бузоқлар қиммат нархга сотилади.

Бошқа усулда ўстирилганда бузоқларни онасидан айириб боқадилар. Бунда туғилган бузоқ бир қун онасини эмади ва кейинги кунлари махсус асбоб - сўрғичли идиш билан табиий сут ичирилади.

Сут ичириш даврида 300 кг гача табиий сут, ёки 400- 500 кг гача ЗЦМ + сунъий тайёрланган сут ичирилади-(П.С.Собиров, С.Д.Дўстқулов-1989,

А.Ф.Решетникова -1965, Н.И.Обрезанов-1964).

Сүнгги йилларда бу усул қўпроқ қўлланиладиган бўлган ( И.Н.Кудмай -1988, И.Б.Валиев-1988, С.Кубаев -1986, Л.И.Иванова -1986).

Кўпгина олимлар ҳам туғилган бузоқларни сут ичириш ва сутдан чиққан даврларда тўғри ўстириш йўли билан уларни тўғри сақлаб, парваришлаб, боқиши кераклигини таъкидлаб ўтганлар.

Ўзбекистонда бу масала бўйича: А.Г.Авизов, Т.Ш.Акмалхонов, Б.А.Қахромоновлар-2000; А.Г.Авизов, Т.Ш.Акмалхонов, У.Ш.Балласов, Б.А.Қахрономов-2003; У.Н.Носиров, О.Усмонов, М. Мирхамидов-2002; Н.Т. Шаймурадов-2008 ва бошқалар ёш бузоқларни тўғри ўстириш бўйича ўз таълимотларини берганлар.

## **1.2. Қорамолчиликда бузоқларни парваришлаш усуллари**

**Ёш бузоқларни парваришлаш усуллари.** Янги туғилган бузоқ онаси билан қуруқ сомон тўшалган денникда 2 кун сақланади. Бузоқ эмишидан олдин онасининг елини иссиқ сув билан ювилади. Оғиз сутининг дастлабки қисми соғиб ташланади. Бузоқ оғиз сути билан эмдирилгандан кейин, онасини, албатта, соғиб олиш лозим (кунига 3- марта). Дастлабки соғиб олиш мол туқандан сўнг 10 соат мобайнида ўтказилади. Бузоқ онаси билан сақланганда уни лампа ёки иссиқ ҳаво билан қуритиш, иситиш тавсия қилинмайди. Шунингдек, бузоқ инфрақизил ва ультрабинафша нурлар билан нурлантирилмайди.

Бузоқлар паратиф касаллигига чалинмаслиги учун 1-2 кунлигига концентратланган формаквасли вакцина билан биринчи марта 1-1,5 мл миқдорда , 3-5 кунлигига 1,5-2 мл миқдорида иккинчи марта эмланади. Баъзан сутдаги витамин , микроэлементлар миқдори бузоқ организми талабини қондира олмайди. Бундай пайтда янги туғилган бузоқга то икки ойлигигача ҳафтасига бир марта 5 мл миқдорда тривитамин ҳамда 1 мл миқдорда В<sub>12</sub> витаминини бериб туриш керак. Туғилгандан сўнг 6-8 соат

ўттач , янги туғилган бузоқ тортилиб, унга номер, лақаб кўйилади ва маълумотлар махсус журналга ёзиб қўйилади ва у даромадга олингандиги ҳақида далолатнома тузилади.

Бузоқ туғилгандан сўнг, учинчи кунидан бошлаб, бузоқлар туғдириш бўлими яқинидаги ( $5^{\circ}$  қияликда қилинган) майдончага ўтказилиб, очик ҳавода шамолдан пана қилиб жойлаштирган алоҳида уйча-профилакторияда 60 кунлигига қадар парвариш қилинади. Бузоқлар очик ҳавода, уйча-профилакторияларда сақланганда, уларда учрайдиган ошқозон -ичак касалликлари кескин камаяди ва 1-2 кун давомида енгил ўтиб кетади.

Ичи кетадиган бузоқларни даволашда, бир маҳал сут ичирилмайди. Унинг ўрнига беда пичани, гули ва баргларидан тайёрланган, туз солинган қайнатма бедаси тавсия этилади. Антибиотиклар эса оғир ҳолатларда ишлатилади.

**Ёш бузоқларни озиқлантириш.** Бузоқлар нормал ўсиши ривожланиши ҳамда семиришини таъминлайдиган озиқлантириш схемалари ва меъёrlарига асосан озиқлантирилади. Уйча-профилакторияларда сақланаётган бузоқларга сут 3 маҳал, эрталаб соат 6, тушда 12 ва кеч соат 18 да ичирилади. Ичириладиган сутга алоҳида эътибор берилади. Норма ҳолатдаги янги туқкан сигирнинг оғиз сути сарғимтир рангли, кислоталиги Тернер бўйича  $43\text{-}48^{\circ}\text{C}$ , тўйимли моддаларга бой бўлиб, ёш бузоқни ўсиши, ривожланиши ва унда иммунитет ҳосил бўлишида катта аҳамията эга.

10 кунгача бузоқларга ўз оналарининг оғиз сути ичирилади. Ҳар бир бузоққа уйча - рақами билан белгиланган алоҳида чеълак ёки сўрғичли идиш биркитиб қўйилади. Бузоқларга фақат соғлом сигирларнинг сути ичирилади. Сутнинг харорати ичилишидан олдин  $36\text{-}38^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Ўн биринчи кундан бошлаб бузоқлар сифатли беда ва табиий ўтлар пичанини ейишга ўргатила бошланади. Ҳар бир бузоқ 50 кун мобайнида ўртача 30-35 кг пичан истеъмол килади.

Қорамолларнинг ирсий мустаҳкамланган сут, гўшт маҳсулдорлиги ташқи факторлар, айниқса парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш шароити мақсаддага мувофиқ бўлган тақдирдагина тўлиқ намоён бўлади.

Бузоқларни боқиши ва асраларнинг энг рационал усулларини қўлланилиб, уларнинг маҳсулдорлик сифатлари шаклланишини маълум даражада бошқариш мумкин. Уларни рационал боқишида ҳайвонларнинг ривожланишидаги биологик қонуниятлардан самарали фойдаланишга ва уларда мақсадга мувофиқ йўналишдаги маҳсулдорликнинг шаклланишида ҳамда иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлишига асосланиш керак.

Бузоқларни боқиши технологияси қўйидаги тадбирларни ўз ичига олади: нормал ривожланган бузоқ олиш; зотини, фойдаланиш йўналишини ва хўжалик ҳамда зонанинг хусусиятларини ҳисобга олиб, бузоқларни ўстириш ва озиқлантиришнинг биологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ва иқтисодий самарадорлигини таъминлайдиган режа асосида жадал боқиши; ишлаб чиқариш жараёнлари ва ихтисослаштиришнинг ички тармоғини комплекс механизациялаштириш асосида бузоқларни боқишининг рационал тизимини жорий этиш.

Турли ёшдаги ва ҳар хил жинсдаги бузоқлар боқиши даражаси ва усулларига, асраларнинг шароитига ҳар хил талаб қўяди. Йирик хўжаликларда бузоқ боқишида иқтисодий жиҳатдан энг самарали ҳисобланган поток тизими қўлланилади. Бунда уларни боқиши ва асраларнинг хусусиятлари турли жинс ва ёш гурухларга мос келади ва юқори меҳнат унумдорлигига эришилади.

Ёш бузоқларни мақсадга мувофиқ боқишида ишлаб чиқариш жараёнларини хўжаликлараро тақсимлаш ва пода тўлдириладиган бузоқлар боқиладиган ҳамда ортиб қолган бузоқлар гўштга топшириш учун бўрдоқига боқиладиган ихтисослаштириладиган йирик хўжаликлар ташкил этиш кўзда тутилади.

Ҳайвоннинг ёшига боғлиқ равишда ҳар хил тўқима ва органларнинг ривожланиш хусусиятлари, боқиши интенсивлиги ва асраларнинг шароити ёш молларнинг парвариш қилишнинг рационал тизимини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шунга кўра, ёш молларни ўстириш режаси тузилади.

Бузоқларни ўсиш жадаллигига ва вазни ортиш даражасига кўра ҳар хил ёшида қўйидаги боқиши тизимлари қўлланилади: Ўстириш режасига кўра **жадал**

**боқиши**, бунда бузоқлар ёши ортиб боришига кўра қўшимча вазнининг аста - секин пасайиб бориши кўзда тутилади- Ю.К.Свечин -1963.

1.Бузоқларни ҳаётнинг дастлабки уч ойида меъёрида боқиб, бундан кейинги ёшида улардан юқори даражада қўшимча вазн олиш.

2.Бузоқларни 1,5 ёшгача секин ўстириб, гуножинларни яхшилаб боқиши. Бу усул асосан Швецияда қўлланилади.

3.Бузоқларни ҳар хил даражада қўшимча вазн орттириб, яъни йил мавсумига кўра боқиши. Бунда яйловда боқиши даврида қўшимча вазни энг қўп ортади, оғилда боғлаб боқилганда эса меъёрида бўлади.

Серсут ва серсут -гўштдор зот бузоқлар 12-18 ойлик бўлгунча тирик вазнининг ортиш коэффициенти ўсиш жадаллигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Жадал усулда уларни шундай боқиши керакки, яъни 12 ойлик бўлгандаги тирик вазн туғилгандаги вазнига нисбатан 8 марта, 18 ойлигида 12 марта ортиқ бўлсин. Бузоқларни боқиши ва парвариш қилиш қорамол подасини соғлом, сермаҳсул сигирлар ва юқори кўрсаткичга эга бўлган бақувват наслдор букалар билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, бузоқлар ҳар бир ферманинг йўналиши, етиштириладиган маҳсулот тури ва ишлаб чиқаришнинг муайян мақсади ҳамда шароити ҳисобга олинган ҳолда боқиб парвариш қилинади.

**Биринчи усул - бузоқларни ажратиб боқиши.** Бу усул асосан барча сут - товар фермаларида қўлланиладиган прогрессив усул ҳисобланади. Бунда бузоқлар туғилгандан сўнг 5-10 кун давомида ўз онасининг оғиз сутидан баҳраманд бўлади.

Сўнгра улар маҳсус катакларга олинади ва гурухлаб боқилади. Оғиз сути биринчи марта бузоқлар туғилгандан кейин 1-2 соат ўтгач 1 - 1,5 кг микдорда берилади. Уларни озиқлантиришдан олдин лаблари, бурун ва юзи яхшилаб артилади. Янги туғилган бузоқларга дастлабки кунлари оғиз сути маҳсус резинка сўргичлар ёрдамида кунига 5-6 марта берилса, сўнгра, кунига 4 марта аниқ белгиланган вақтларда (кун тартиби асосида) берилади. Бунда бузоқлар ҳамма вақт бир хил микдордаги сутни якка ҳолда олиши мумкин. Бериладиган

оғиз сути ёки соғиб олинган сутининг ҳарорати  $+37^{\circ}$  С., тоза ва сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар бузоқланган сигирнинг елини касал бўлса ёки сутининг сифати талабга жавоб бермаса, у ҳолда бир вақғда туқсан ёки туғишига кўра бир -икки кунга фарқ қилган сигирларнинг сути ичирилади.

Аммо бу тадбирни амалиётга тадбиқ қилиш, бизнинг фикримизча, мухокама қилинаётган муаммонинг бир қатор қирраларини илмий асослари тўла ишланмаганлигидан кенг фойдаланилмаяпти. Жумладан, молларнинг ривожланиши даврида энг қўп сут соғиб олиш учун бузоқларни аниқ қандай жадалликда боқиш тўғрисида аниқ қўлланма йўқ.

Келтирилаётган адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, хайвонларнинг индивидуал ривожланиши бир қанча қонуниятлар бўйича ўсади ва ривожланади. Бунинг асосида хайвонларни мақсадли боқиш услубларини қўллаш учун имкон яратади. Бузоқлар ривожланиш даврида озиқлантириш ва парваришилаш шароитларини яхшилаш, келажакда улардаги юқори маҳсулдор сигирлар олиш мумкин.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш ва парваришилашнинг бир қатор усуллари бўлиб уларни хўжалик шароитидан келиб чиқсан ҳолда тадбиқ қилиш катта аҳамиятга эга. Бунинг натижасида бузоқлардан келажакда юқори кўрсаткичларга эга бўлган наслдор буқалар ва серсут сигирлар етиштирилади.

Келтирилган адабиётларни ва тадқиқот натижаларини тахлил қилиб, умумлаштирадиган бўлсак, моллар организми даврлар бўйича ўсади ва ривожланади.

Маълумки, ўсиш ва ривожланиш ҳақидаги таълимотнинг даврийлиги қорамолларни йўналтирилган мақсадли боқишининг услубий асоси ҳисобланади. Моллар ҳаётининг улар ривожланиши маълум даврида озиқлантириш ва сақлаш шароитининг ўзгариб, маълум маҳсулдорликка йўналтирилиши мумкин. Демак, подани тўлдириш учун мўлжалланган бузоқларни боқиши жадаллаштириш, уларни организми шаклланишига таъсир кўрсатиш моллар маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шароитларидан биридир.

Шундай қилиб, келтирилган манбалардан күриниб турибиди, подани түлдиришга мұлжалланған бузоқтарни боқишиң жадаллаштириш подани туғилған қуни 5-7 кг атрофика оғиз сути ичирилиши яхши натижа беради. Беш кунлик бўлғандан 6-10 кг гача қўпайтириш мумкин. Умуман, биринчи беш кун ичидаги 30-45 кг оғиз сути ичирилса, ҳар томонлама яхши натижа беради.

Бузоқтарни қўп микдорда фақат сигир сути билан боқиши иқтисодий жиҳатдан унчв қўп фойда келтирмайди. Бинобарин, уларни сунъий сут, серсув ва дағал озиқлар билан таъминлаш иқтисодий самарадорликка эришишда анчагина афзаликларга эга. Бундай тадбирларни бузоқтарни туғилғандан сўнг учинчи декададан бошлаш лозим. Бунинг учун бериладиган сигир сутининг микдори оз-оздан камайтирилиб, унинг ўрнига ёғи олинган сут ва сунъий сут микдори камайтирилиб борилади.

**Иккинчи усул- ажратиб эмиздириб боқиши.** Бу усул энг қадимги усул бўлиб, бунда сигирни соғищдан олдин, соғиш вақтида ва сут соғиб бўлингач, ёнига бузоғи қўйиб юборилади. Сигири бўлған барча хонадонлар ҳам шу усулда бузоқ боқадилар ва парвариш қиласилар. Бу усул ҳозирги вақтда хўжаликларда деярли қўлланилмайди.

**Учинчи усул** - бузоқпарни эмизувчи бошқа (энага) сигирларга бириктириб боқиши. Бунинг учун ўз оналаридан ажратиб олинган бузоқлар 2 тадан 4 та гача қилиб, машина ёрдамида соғишига яроқсиз ёки қари сигирларга бириктириб қўйилади. Бузоқлар ўз "энасини" 2-3 ой мобайнида эмиб ўсади ва ривожланади. Бириктириладиган бузоқлар сони "энага" сигирларнинг сут маҳсулдорлигига 3000-3500 кг бўлған сигирлар бир лактация даврида 8-10-12 та бузоқни эмиздириб, улар бақувват ва соглом ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Бу усул кўплаб хўжаликларда қўлланилиб келмоқда.

#### **Тўртинчи усул -бузоқларни оналарига узлуксиз эмиздириб боқиши.**

Бу усул асосан гўшт йўналишидаги қорамолчиликда қўлланиллади, бунда сигирлар деярли соғилмайди. Пода шароитида ёш бузоқлар 6-8 ойлик бўлгунча фақат онасини эмиб ривожланади. Агар талаб этилса ва сигир сути икки бузоқ

учун етарли бўлса, бир сигирга иккита ёш бузоқни ҳам бириктириб боқиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, бузоқларни боқиш, парвариш қилиш ва ривожлантириш усуллари ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот йўналиши ва ишлаб чиқариш технологиясига қўра қўлланилиши кўплаб ижобий натижага беради.

Ўзбекистон шароитида қора-ола зот сигирларнинг 24-28 ойликда биринчи туғиши энг мақбул ёш хисобланади. Ана шу ёшда туқкан сигирлар етарлича юқори сут маҳсулдорлигини намоён қиласди. Биринчи болалаш ёшига нисбатан сигирлар ёшини янада ошириш маъқул эмас, чунки у молларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга ёрдам бермайди.

Бу тажрибалар шундан далолат берадики, организмнинг табиий бардошлиги ривожланган, жуссаси манзур бўладиган юқори маҳ сулдор сигирлар етиштириш учун тўла қимматли озиқлантириш билан бир қаторда қўллаш зарурдир. Ана шундай режимда бокилган бузоқлар ташки мухитнинг ўзгариб турадиган омилларига нисбатан чиниқиб ўсади, уларнинг ички аъзолари яхши ривожланади, соф ҳавода давомли яйратилмай ўстирилган молларга нисбатан жуда сермаҳсул бўлади.

## **II. Тажриба ўтказиладиган хўжаликнинг тасвири ва ишлаб чиқариш жараёни**

Сирдарё вилоятидаги бушуев зоти бўйича барча наслчилик хўжаликларидан "Турон" фермер хўжалигига илмий- тадқиқот тахлили ўтказилган (2003- 2005 йй.)

Бу хўжалик 1994 йилда "Гулистон" наслчилик хўжалиги билан "Янгиобод" наслчилик заводидан сигирлар сотиб олиш йўли билан ташкил топган.

"Турон" фермер хўжалигининг асосий вазифаси- ёш насллик тана ва бузоқларни ўстириш ҳамда моллар маҳсулдорлигини қўтаришдир.

Хозирги пайтда хўжалик ( выгранжировка) - подадан четлаштирилган сигирларни ва ортиқча буқаларни бокиб, бошқа хўжаликларга сотади. Хўжаликда наслчилик ҳисоб - китоб ишлари яхши йўлга қўйилган.

Бузоқ ўстириш, уларни қочириш ва туғдириш ҳамда моллар маҳсулдорлигини ҳисоблаш ишлари бўйича маҳсус хужжатлар- журналлар мавжуд. 2-МОЛ карточкалар ёзиб борилади. Ветеринария - санитария ишлари яхши йўлга қўйилган.

Наслчилик ишларининг рационал тизимлари, жуфтлаштириладиган молларни тўғри танлаш ва саралаш, уларни тўла -қимматли озиқлантириш, тўғри парваришлиш, боқиш ва машқ қилдириш, юқори маҳсулдор, касалликларга чидамли, ҳазм қилиш аъзолари яхши ривожланган ва юқори даражада модда алмашинадиган сигирлар ўстириш имконини беради.

Сутбоб моллар ўстиришнинг яхши ишлаб чиқилган тизимидан фойдаланилганда маҳсулдор сигирлар туёгини кўпайтириш ва паст маҳсулли молларни камайтириш мумкин.

Бузоқлар хаётининг постэмбрионал даврида, улар сут ичириш давридан кейин бошланади ва 3 ойгача, баъзан эса, ўстириш мақсадларига қараб, ундан ҳам кўпроқ давом этади. Бу давр давомида бузоқлар аста - секин кўкат озиқларга ўта бошлайди.

Бузоқларни дастлабки ойларида тўғри боқиш шу даврда ўсишгагина эмас, балки ундан кейинги ривожланиши ва маҳсулдорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Кўкат озиқаларнинг тўйимли моддаларини ҳазм қилиш ва улардан фойдаланиш даражаси айнан шу даврда вужудга келади. Шу давр мобайнида бузоқларни озиқлантириш мол зотини, наслдорлик қимматини, молнинг белгиланиши ва хўжаликнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда нормаллаштиради.

Маълумки, янги туғилган бузоқда ширдон яхши ривожланган бўлмайди, у фақат сутли озиқларни ҳазм қиласади.

Ошқозоннинг бошқа озиқларини ҳазм қила бошлагач бўлинмалари: ширдон, тўрқорин ва қаткориннинг фаолияти эса суст ривожланган бўлади.

Дастлабки ёшдаги бузоқларда сут билан бирга кирган тўйимли моддалар ширдонда ва ичакларда ҳазмланади, яъни бу даврда ичакда ҳазмланиш устун туради. Кейинчалик, бузоқлар ўсган сайин ошқозон олди бўлинмалари ҳам овқат ҳазм қилиш жараёнига қўшилади. 10-15 кунлигидан бошлабоқ бузоққа кўкат озиқ бериш ошқозон олди бўлинмаларининг

ривожланишини тезлаштиради, бузоқлардаги күкат озиқлар ейиш ва ҳазм қилиш қобилиятыни оширади. Бузоқларнинг ёши 5-6 ойга борганда ичакда ҳазмланишдан ошқозон -ичак ҳазмланишига ўтиш охирига етади ва ҳайвонни исталган типдагига айлантириш учун бу вақтда овқат ҳазм қилиш тизимиға таъсир қилиш енгил бўлади. Шунинг учун бузоқларни боқиши улардаги ҳазм аъзоларини тезроқ ривожлантиришга, дастлабки гуруҳдагига караганда 100 кг ортиқ арпа берилган ва шунга мувофиқ тажрибада подадаги бузоқлар 8 кг ортиқ ёғ тўплаган.

Арпага қараганда сули тўйимли озиқ ҳисобланади. Арпа билан сулининг маҳсулот бериш даражаси солиширилганда арпанинг тўйимлигиги озиқ бирлигига ( $180:150 = 1,2$ ) teng бўлади.

Ҳозирги вақтда ем-хашакнинг тўйимлигини энергетик озиқ бирлиги билан баҳолашнинг мукаммаллашган усулини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда, аммо ҳозиргача сули озиқ бирлигидан фойдаланилади, ем-хашакнинг тўйимлигига умумий баҳо бериш, сули озиқ бирлиги ва турли мамлакатлар қўлланилаётган бошқа озиқ бирликлари (Кельнернинг крахмал эквиваленти, арпа озиқ бирлиги, Армсби -термаси) ем-хашакнинг факат умумий тўйимлигини, яъни энергетик қийматини ифодалайдиган миқдорий кўрсаткичлардир.

Моддалар алмашинуvida жуда кўп хилма - хил органик ва анорганик моддалар иштирок этиши туфайли бу жараёнда ем-ёшиданоқ ширали озиқлардан яхши фойдаланишга қаратилмоғи лозим.

Шу билан бирга ёғи олинмаган сут ичириш нормаларини камайтириш ва бузоқларни дастлабки ёшиданоқ пичан ҳамда сершира озиқлар ейишга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Сут ичириш даврида бузоқларга бериладиган сутли озиқ миқдори алоҳида ўрин тутади.

Илмий маълумотларда бузоқларни сут билан озиқлантириш даражаси тўғрисида ҳамда бундай озиқлантиришнинг келгуси сут маҳсулдорлигига ва наслдорлик сифатларига таъсири хақида ҳар хил фикрлар айтилади. Лекин, шу нарса аниқ маълумки, сут ичириш даврида етарлича миқдорда сут ичмаган бузоқлардан юқори маҳсулдор серсуги сигир ўстириб бўлмайди.

Демак, бузоқларни кўқат озиқларга барвақт ўргата бориб, ичкизиладиган ёғли сут миқдорини камайтириш мумкин ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида эса бу жуда зарур.

Шундай қилиб, рационларда тўйимли озиқлар кўп бўлиши бузоқларнинг яхши ўсиш ва ривожланишини таъминлайди, мўлжалдаги ўртача суткалик эт қўшилишига эришилади. Овқат ҳазм қилиш органлари ривожланади, пировардида юқори маҳсулдор сигирлар ўсиб етилади ва шубҳасиз, иқтисодий самарага эришилади, шу билан бирга, чорвачиликнинг бошқа тармоқлари учун зарур бўлган озиқлар сарфи камаяди.

Аммо, бузоқлар 6 ойликгача нормалар бўйича эмас, балки озиқлантириш схемалари бўйича боқилади. Бу схемалар нормаларга мувофиқ ҳамда конкрет хўжалик шароитини ҳисобга олиб тузиб чиқилади.

Таналарнинг текис нормал ўсиши, ривожланиши ва ўз вақтида қочишини таъминлайдиган тўла -қимматли озиқлантиришни ташкил этиш юқори маҳсулдор сигирлар ўстиришнинг асосидир.

Демак, таналар ўстиришда уларнинг организмида ўзгариш ҳосил қиласидиган муҳим омиллардан бири озиқлантириш ҳисобланади.

Бузоқларни озиқлантириш типи кучли таъсир этувчи омил ҳисобланади. У бутун организмни ва ички аъзоларининг ривожланишини ўзгартира олади.

Шунингдек, уларни кейинчалик сут маҳсулдорлигини вужудга келтиришга бевосита таъсир кўрсатади.

Демак, пода тўлдирувчи бузоқларни сут ичириш давридан кейин боқиши ташкил этилганда уларнинг яхши ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиш, молларни дағал ,ширали ва кўкат озиқлардан яхши фойдаланаоладиган ва улғайганда яна ўсганда юксак даражада сут маҳсулдорлигини намоён қиласидиган типда шакллантириш зарурдир. Бу даврда тхцла қимматли озиқлантиришнинг асоси уларни энергияга, ҳазмланадиган протеин, кальций, фосфор микроэлементлар. Витаминаларга, аввало, А ва Д витаминаларга эҳтиёжини тўла қондиришдан иборат бўлиши керак.

Қиши мавсумида юқори сифатли яхши оқсил ва минерал моддалар манбаи ҳисобланади. 12 ойликдан ошган таналарга яхши сифатли пичан, силос ва сенаж бериб ўртача суткалик эт қўшилишини (концентларсиз) 600 г. гача

етказиши мумкин. Бирок, бу озиқлар етарлича яхши сифатли бўлмаганда, шунингдек, яна ҳам юқори эт қўшилиши мўлжалланганда, таналарни суткасига ҳар бошга 0,5-1 кг ҳисобидан концентратлар билан боқиш керак.

Киши даврида таначалар рационида аксари протеин етишмайди. Бу даврда протеин ўрнини тўлдириш мақсадида турли хил оқсилли қўшилмалар қўллаш мумкин. И.И.Салий -1965. Бу оқсилли қўшилмалар концентрат озиқларга аралаштирилиб берилади. Бунда 12 ойликдан ошган таначалар рационида 20-25% гача ҳазмланадиган протеин ўрнига синтетик мочевина-карбамид қўшиш мумкин. Шу билан бирга 10 гр мочевина 26 гр ҳазмланадиган протеинга тенг келади.

Мочевина билан бирга рационга азотсиз экстрактив моддаларга бой моддалар: маккажўхори силоси, илдизмевалилар, ғалласимонларнинг майдаланган дони ва хакозолар қўшилади. Шуни айтиш керакки, маккажўхори ва углеводга бой бошқа кўкат массаси силослашда мочевина қўшиш мумкин. Бунда ҳар 1 тонна силос массасига 3-4 кг мочевина қўшилади. Силосланадиган массада мочевина бир меъёрда аралashiши учун уни дастлаб сувда аралаштирилади.

Киши мавсумида рационлардаги минерал моддалар ва витаминлар микдорини назорат этиб туриш керак. 7 ойликдан 12 ойликгacha бўлган таначаларнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 20-17 гр кальций ва 12-19 гр фосфор, 2 ёшида эса шунга мувофиқ равища 16-13гр калций ва 8-9 гр фосфор керак бўлади.

Бузоқларнинг рационида силос кўпайиб кетганда фосфор етишмай қолиши мумкин. Бу ҳолни бартараф этмоқ учун суткасига ҳар бош тана ҳисобига 20- 40 гр дан суюк уни, преципитат ва бошқалар бериб бориш лозим. Рационда пичан кам бўлганда Д витамини етишмаётганини сезилади. Бунда суткасига ҳар бошга 0,1-0,2 гр ҳисобидан нурлантирилган ачитқиларни концентрат озиқларга қўшиб едириш зарурдир.

Ёз мавсумида таналарнинг рационы асосан кўкат озиқлардан иборат бўлади. 7-9 ойлик таналар суткасига 18 - 22 кг, 10-12 ойлиги 22- 25 кг, 13-15 ойлиги, 30 -35 кг, 19-24 ойлиги 35-40 кг дан қўкат озиқ ейди. Бузоқларни 12 ойлик бўлганга қадар оз -оздан концентрат озиқ билан озиқлантириб туриш

маъқулдир.

Ёз мавсумида таначаларнинг минерал моддаларга талабин қондиришга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Кўкат озиқлар таркибида кальций мўл -кўл бўлади-ю, фосфор етишмайди. Шунинг учун минерал моддалар билан қўшимча озиқлантириш керак. Фосфор манбалари бўлмиш суяқ уни, уч калций фосфат, преципитат кабилардан суткасига ҳар бир бош хисобига 30-50 гр дан бериш фойдалиdir.

Озиқ рационларнинг қимматлилиги улар таркибидаги организм учун зарур барча тўйимли моддаларнинг мавжудлиги билан ҳамда моллар уларни нечоғлик нисбатда яхши ейиши ва ўзлаштириши билан белгиланади.

Таркиби турлича бўладиган рационлар молларнинг иштаҳасига ва ҳазм қилиш жараёнларига турлича таъсирқилади. Рациондаги озиқлар нотўғри тузилганда, уларни мол яхши емайди. Масалан, рационда концентратлар улуши катта бўлганда моллар дағал ва ширали озиқларни кам истеъмол қиласади. Бунинг оқибатида озиқнинг тўла қимматлилиги пасаяди ва бу ҳол ҳайвонлар организмида кечадиган модда алмашинувини издан чиқариши мумкин Н.А.Буйновский -1974.

**Икки ойликдан олти ойликгача бўлган бузоқларни тарбиялаш ва озиқлантириш.** Бузоқлар 2 ойга тўлгач, очиқ ҳавода жойлаштирилган майдончаларга ўтказилади. Бу майдончаларда бузоқлар 6-8 бошдан гурухларга ажратилиб, 6 ойликгача ўстирилади.

Дағал, ширали, концентрат ва минерал озукалар учун охурлар ташқи томондан ўрнатилади. Озиқиантириш жойи бир бошга 35-45 см бўлади. Бузоқлар сув охурлари ёрдамида суғорилади. Махсус майдонча (павильон)лари бўлмаган хўжаликларда бузоқлар 6 ойликгача иситилмайдиган, яйратиш майдончаси бўлган биноларда сақланади. Бир бош учун бино ичида 2 кв м. майдонда эса 4 кв.м жой таъмин этилади. Ёзда бинодаги ҳаво ҳарорати  $20 -26^{\circ}$  С гача, намлиги эса 50-60 фоиз бўлиши керак. Биноларда ҳаво ҳайдагич ўрнатиш тавсия қилинади. Бино ичида ис гази 0,20 -25 фоиздан, аммиак гази 10-20 мг/ м. дан, сероводород гази 5-10 кв м / м дан ошмаслиги ҳамда ёргуллик режими 1:15 люкс бўлиши керак. Бузоқлар гурухларга

ажратилаётганда тенглик тартибига риоя қилинади.

Озиқлантириш меъёрлари ва рационлари хўжаликца мавжуд озуқаларга асосан тузилиб, улар бузоқларнинг нормал ўсиб, ривожланишини таъминлаши зарур.

Ёз даврида сутдан чиққан бузоқлар учун беда, маккажўҳори, жавдар ва бошқа озуқабоп экинлар кўк массаси ҳамда концентратлар, қиши даврида эса маккажўҳори силоси, озуқа лавлагиси, беда пичани, ўт уни ва сомон, концентратлар асосий озуқалар ҳисобланади.

Минерал моддалар манбаи сифатида ош тузи, бўр, суюк уни монокалций - фосфат ва макроқўшилмалардан фойдаланилади. Бузоқларга ош тузи, бўр соғ ҳолда берилади. Суюк уни ва монокалций фосфат омухта ем га қўшилади.

Ўсиб бораётган бузоқларнинг микроэлементларга бўлган талабини қондириш учун рационга углевородли темир, марганец, мис, рух, кобальт ҳамда йодли калий киритилади. Макроэлементлар ҳамда туз мавжуд меъёрларга асосан бўлади.

Бузоқлар уч маҳал озиқлантирилади. Озиқлантириш жойи бир бош учун 0,4 м. Озуқа яйратиш майдончаларида озуқа тарқатгичлар ёрдамида берилади. Дағал ва ширали озуқаларни аралаш ҳолда бериш мумкин. Озиқлантириш хўжаликда тузилган ўсиш режасига асосан олиб борилади.

### **Олти ойликдан ўн икки ойликкача бўлган ургочи таналарни парвариш қилиш ва озиқлантириш.**

Олти ойлик бузоқлар тарозида алоҳида тортилгандан сўнг уч томони тўсилган, олдида майдони бўлган айвонга ёки яйратиш майдони бўлган енгил типдаги бузоқхонага ўтказилади. Улар бу ерда 20-30 бошдан то 12 ойлилигача боғланмасдан парвариш қилинади. Бузоқхона ичида бир бош учун 2,5 кв м, майдонда эса 6 кв м жой тўғри келиши керак.

Озуқаларни ташиб келтириш ва тарқатиш маҳсус транспортлар ёрдамида бажарилади. Озиқлантириш яйратиш майдонида бажарилади. Озиқлантириш фронти бир бошга 45-50 см ни ташкил қилиши керак.

Республикамизнинг иссиқ шароитидан қорамоллар қўпроқ яйратиш майдончаларида бўлади. Шунинг учун яйратиш майдончаларида айвонлар қуриб, санитария жиҳатидан тозаликни сақлаш зарур.

12 ойли таналар бошқа енгил типда курилган бино ва усти томони ёпиқ айвонга ўтказилади.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда ўстирилаётган бузоқларни боқишининг тахминий схемаси кўрсатилган.

Сут ичириш даврида З ойликгача озиқлантиришнинг тахминий схемаси (кг ҳисобида)

Ўстириш	Кишки мавсум						Езги мавсум				
	Сут ёғли	Ёғсиз сут	КОН-центрат пап	Пичан	Сипос	Сенаж	Сут ёғли	Ёғсиз сут	КОН-центрат лар	Кўкат озиқла	Ош тузи (г)
15-20	6	-	-	ўрга тиш	-	-	6	-	-	-	5
21-30	6	-	0,1	0,1	-	-	6	-	0,1	1,0	5
31-40	4	4,5	0,2	0,2	-	-	4	4,5	0,2	1,5	10
41-50	3	6,5	0,3	0,3	-	-	3	6,5	0,3	2,0	10
51-60	2	7,5	0,4	0,5	-	-	2	7,5	0,4	3,5	12
61-70	-	7,5	0,8	0,7	0,8	1,0	-	7,5	0,8	4,0	15
71-80	-	7,5	1,0	1,0	1,0	1,0	-	7,5	1,0	6,0	15
81-90		6,5	1,2	1,2	1,2	1,0	-	6,5	1,2	8,0	15
Мавсум давомида жами	210	400	40	40	30	30	210	400	40	260	870
											870

Сутни бузоқларга алоҳида-алоҳида пластмасса идишлардан ёки сўрғичли идишлардан ичирилади. Ичириш пайтида сутнинг ҳарорати дастлабки ойида  $35^{\circ}\text{C}$ , иккинчи ойда  $30-35^{\circ}\text{C}$  ва ундан кейинги ойларда  $20-25^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Бузоқлар туғилгандан кейин биринчи ой охири -иккинчи ой бошидан эътиборан кўкат ейишга ўргатилади. Уч-тўрт ойлик бузоқлар 6-10 кг дан кўкат озиқ ейди.

Бузоқлар рационига қўшимча А, Д ва Е витаминли препаратлар, кўкат уни қўшилади. Ош тузи, фосфор, калцийли қўшимчалар охурларда доим бўлиши керак.

Микроэлементларни мавжуд нормалар асосида рационга қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Сут ичириш даврида бузоқ боқишини ташкил этишнинг ғоят муҳим

омилларидан бири уларни ўсимлик озиқлариға барвақт ўргатишидир. Бу, сиқмада озиқ ҳазмланишини кучайтиради ва кейинчалик рационнинг асосий ўсимлик озиқларидан тұлароқ фойдаланиш имконини беради.

Бузоқ озиқлантиришдаги кескин ўзгаришларга жуда сезгир бўлади. Шу боисдан уни янги озиқларга аста-секин ўргатмоқ, бирон турдаги озиқнинг суткалик нормасини кескин оширмаслик ва камайтирмаслик, боқиши режимиға қатъий амал қилмоқ лозим.

## 2.1 Бузокларни сут давридан кейин боқиши

Сут ичириш давридан кейин бузоқ ўстириш ҳам унинг экстеръери ва сут маҳсулдорлигини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб, сут ичириш давридан кейин танаачаларнинг рационлари улғайган моллар рационига максимал даражада яқинлантирилиши, қишида имкони борича дағал ва ширали озиқлар кўп бўлиши, ёзда кўкат озиқлар кўп, концентрат озиқлар иложи борича камроқ бўлиши керак, айни вақтда ўсаётган организмнинг асосий озиқ элементларига -ҳазмланадиган протеин, минерал моддалар ва витаминаларга талаби тўла - тўқис қондирилмоғи, яъни озиқлар баланслаштирилган бўлмоғи лозим. Маромига етказилган рационлар билан таъминланган таналар тез ўсади ва кейинчалик юқори маҳсулдорликка эришади, озиқлар эса максимал даражада самара беради.

Шу боис, рацион тузища уни тўйимли моддалар таркиби ва озиқларнинг хили бўйича 2.1- жадвалда берилган.

2.1. -жадвал

### Ёши 3 ойликдан 6 ойгача бўлган бузокларни озиқлантиришнинг тахминий схемаси

Ўстириш кунлари	Қиши даврида				Ёз даврида		Минерал моддалар га	
	концен тратлар	пичан	силос	сенаж	концен тратлар	кўкат-озиқла	ош туз	бўр
91-100	1,3	1,4	2,0	1,0	1,3	8,0	15	20
101-110	1,3	1,5	2,0	1,0	1,3	10,0	20	20

111-120	1,4	1,5	3,0	1,0	1,4	10,0	20	20
121-130	1,4	2,0	3,0	1,5	1,4	12,0	20	20
131-140	1,3	2,3	4,0	1,5	1,3	13,0	20	20
141-150	1,3	2,3	5,0	1,5	1,3	14,0	20	20
151-160	1,0	3,0	5,0	1,5	1,0	15,0	20	20
161-170	1,0	3,0	6,0	1,5	1,0	20,0	20	20
171-180	1,0	3,0	7,0	1,5	1,0	20,0	20	20
Жами:	110	205	370	120	110	1220	1750	1800

Ёши 6 ойлиқдан ошган таналарнинг рационлари камида 550-600 гр эт қўшилишига, 12 ойликгача жадал ўстирилганда эса ўртacha суткалик эт қўшилиши 650-700 гр бўлишига мўлжаллаб тузилиши керак.

Молларнинг физиологик эҳтиёжларига максимал даражада яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқ керак. Хўжаликларда ўстирилганда сут бериш давридан ошган бузоқларни боқишининг тахминий схемаси 2.2. жадвалда келтирилган.

## 2.2 жадвал

Ёши 6 ойлиқдан 12 ойликгача бўлган пода тўлдирувчи таналарнинг тахминий суткалик рациони

Озиқлар	Кишки давр		Ёзги давр	
	кг	озиқ бирлиги	кг	озиқ бирлиги
Беда пичани	3,0	1,47	-	-
Маккажўхор и силоси	8,0	1,6	-	-
Сенаж	2,0	068	-	-
Кўк беда	-	-	12,0	1,84
Маккапоя	-	-	10,0	1,70
Концентратлар	1,0	1,0	1,0	1,0
Ош тузи	0,03	-	0,03	-
Жами:		475	-	4,54

## **2.2. Жадал ўстиришнинг сут маҳсулдорлигига таъсири**

Юқори маҳсулдор серсуг сигирлар ўстиришда ўстириш муддатини қисқартириш катта аҳамиятга эга. Бунда меҳнат ва маблағ сарфлари анача камаяди, пода обороти жадаллашади, моллар сут маҳсулдорлигини қўпайтириш йўналишида такомиллашади ва натижада чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ошади.

Пода тўлдирувчи бузоқларни жадал ўстиришда тирик вазн асосий мезон ҳисобланади. Тирик вазнга қараб бузоқнинг ривожланиши ва унинг маҳсулдорлик имкониятлари тўғрисида фикр юритилади. Молларнинг тирик вазни ошишига озиқлантириш даражаси алоҳида таъсир кўрсатади. Озиқлантириш даражасининг қорамол бузоғига, унинг аъзолари ва тўқималари ўсишига, организмда кечадиган модда алмашинувига жуда катта ва ҳар томонлама таъсирини ҳисобга олган кўпгина тадқиқотчилар бу масалаларга кўп йиллар давомида қизиқиб келмоқдалар.

Илмий тадқиқотлар турли зотларга мансуб моллар устида, турли вақтларда ҳамда турли табиий -иқлим зоналарида олиб борилган бўлишига қарамай, қорамол бузоғини озиқлантириш даражаси молларнинг ўсиш жадаллигига, гавда тузилиши типига ва тез етиловчанлигига катта таъсир қиласди. Жадал ўстирилган таналарда жинсий етилиш тез бошланади, уларда гавда тузилиши индексларининг кўрсаткичлари жуда юқори бўлади.

Таналарни интенсив ўстириш йўли билан ривожлантирилган, йирик жуссали, тез етиладиган ва юқори маҳсулдор сигирлар олинмоқда. Бироқ серсуг зот таналар ўстириш даражаси тўғрисида қарама -қарши фикрлар тез-тез учраб туради. Бу борада бир хил тадқиқотчилар мўл-кўл озиқлантириш юқори маҳсулдор моллар ўстиришнинг асоси, деб ҳисобласалар, бошқалар ўстирилаётган бузоқларни мўл-кўл озиқлантириш, кейинчалик уларнинг серсуглигини сусайтириб қўяди ва гўшт типидаги мол яралишига ёрдам беради, дея таъкидлашади.

Тадқиқотчи Л.К.Эрнст -1996 бузоқ ўстиришда оптималь даражада озиқлантиришни ўрганганди. Тажриба қора -ола зотга мансуб 10 жуфт эгизак бузоқ

устида олиб борилган, улар аналоглар принципи бўйича икки гурухга бўлинган. 3-4 ойлик бузоқларнинг I гурухи биринчи болалашгача жадал ўстирилди. II гурух гуруҳдагилар маромида озиқлантирилди. Болалашдан кейин биринчи туққан ғунажинларнинг маҳсулдорлигига қараб озиқлантирилди.

I гурухдаги 6 ойдан 12 ойликгача бузоқларга 852 озиқ бирлиги ва 96 кг ҳазмланадиган протеин, 13 ойдан 18 ойликгача-1015 озиқ бирлиги ва 107 кг ҳазмланадиган протеин сафрланди.

II гурухдаги ёши 6 ойдан 12 ойгача борган молларга 556 озиқ бирлиги ва 59 кг ҳазмланадиган протеин, 13 ойдан 18 ойликгача бўлганларига 632 озиқ бирлиги ва 61 кг ҳазмланадиган протеин, 19 ойдан 24 ойликгача бўлған таналарга шунга мувофиқ 645 озиқ бирлиги ва 71 кг протеин сарф қилинди. Мўл - кўл озиқлантириб ўстирилган ғунажинларнинг болалаш олдидаги тирик вазни 557 кг, маромида озиқлантирилгани 466 кг келди.

Бузоқ ўстириш даражасидаги фарқ ўстирилган (биринчи туққан) ғунажинларнинг маҳсулдорлигига жиддий таъсир кўрсатмади. Сигирларнинг сутдаги ёғ ва оқсил миқдорида ҳам жиддий фарқ қайд этилмади.

М.В.Крылов - 1989 ёзишича, жуда вазмин тирик вазнга эришиш орқасидан қувиб, молларни узоқ вақт уруғлантирмаслик, яъни куйикишини ўtkазиб юбориш натижасида уларнинг урчиш хусусияти сусайиши мумкин.

Унинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, дастлабки уруғлантиришда таналарнинг ёши уларнинг тирик вазнига қараганда уруғланишга катта даражада таъсир кўрсатади, чунончи, биринчи уруғлантиришдан кейин 20 ойликкача бўлган ғуножинларнинг қочиши хўжалик бўйича ўртacha 68,7%ни, 20 ойликдан ошганларнинг қочиши 2,81% ни ташкил қилди.

Тадқиқодчининг қайд қилишича, мазкур икки омилни ҳисобга олиб, қора -ола зотнинг ёши 18 ойликгача борган, тирик вазни камида 350-375 кг тош босадиган ғунажинларни уруғлантириш мақсадга мувофиқдир. Тирик вазни кам ғунажинлар уруғлантирилганда уларнинг бўғозлик даврида обдан озиқлантириш зарурдир. Бу чора сут маҳсулдорлигини шакллантиришга каратилган илгариги ўстириш даврининг салбий таъсирини анча бартараф этиш имконини беради.

Таналар жадал ўстириш факат ўстириш муддатини қисқартирибина қолмай, балки сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга ҳам имкон беради. Қочишгача ва бўғозлик даврида мўл-кўл озиқлантириш йўли билан жадал ўстирилган таналаран соғилган сут миқдори 2-2,5 ой давомида мўл -кўл озиқлантирилиб, ўстирилган таналарга нисбатан 1711 кг кўп сут берган.

Шуни қайд этиш керакки, таналарни жадал ўстиришда бир ёш ва ундан ошган молларни мўл -кўл озиқлантириш йўли билан барвақт уруғлантириш зарурдир.

Бу ҳолда озиқли моддаларнинг бир қисми ҳомиланинг ривожланишига, кейинчалик эса синтезланишига сарфланади ва шу тариқа тана мойланиб семириб кетмайди.

Бироқ, бизнинг фикримизча, бунда зот хусусиятини ҳам эътиборга олиш лозим. Маълумки, комбинациялаштирилган йўналишдаги зотли молларни баъзи ҳолларда оширилган даражада озиқлантириш унинг гўшт сифатлари ривожланишини кучайтириб, сутдорлик хусусиятларини камайтириб қўйиши мумкин. Сут етиштиришга ихтисослаштирилган зотли молларни ўстиришда оширилган даражада озиқлантириш гўштдорликни ривожлантиришга камроқ таъсир кўрсатади.

### **2.3 Ғунажинларни дастлабки қочиришда тирик вазни ва ёшининг маҳсулдорликка таъсири**

Сут йўналишидаги чорвачилини ривожлантириш сигирларнинг юқори маҳсулдорлиги ва яхши уруғланиши билан бир қаторда кўплаб соғлом бузоқ олинишига, шунингдек, сигирларни ўстириш даври давомийлигига ҳам боғлиқдир.

Маълумки, яхши бокиб парвариш қилинганда бузоқлар 6-9 ойлигидан жинсий жиҳатдан етила бошлайди. Бироқ бузоқларнинг жинсий етилиши ҳали уларнинг урчиб кўпая олиш хусусиятини кўрсатмайди.

Чорвачиликни жадаллаштириш шароитларида, сигирларни энг ёшлик чоғида сут маҳсулдорлиги потенциалини аниқлаш имкониятларини излаш муҳим вазифалардан биридир.

Тез етилувчанлик - бу ташқи муҳитнинг муайян шароитлари

таъсирида молларнинг қисқа муддатда хўжалик жихатидан етилишига эришишдир. Бузоқларни эрта ёшидан кучайтирилган озиқлантириш йўли билан тез етилишини сунъий ошириш, ғунажинларни бир қатор авлодлар давомида барвақт уруғлантириш - эрта етиладиган моллар барпо этишга олиб келади ҳамда тез етилиш белгиларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъмин этади.

Қорамолнинг тез етилишини кучайтириш поданинг тезкорлик билан урчиши учун тармоқнин иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда молларни сут маҳсулдорлигини кўпайтиришни такомиллаштириш учун имкониятлар яратади. Бироқ, шунга эътибор бермоқ керакки, сутбоп зотли таналарнинг тез етилишини оширишда рационнинг асосий озиқлари ҳажмдор озиқлар бўлиши керак. Кўплаб концентрат озиқлар билан боқиб суяқ ва мускулларни, хусусан, молларнинг ёғ тўқималарини ортиқча ривожлантириш маъкул кўрилмайди.

Миқтилиги яхши, лекин семириб кетмаган ғунажинлар яхши уруғланади ва жуда хаётchan авлод беради ҳамда туққанидан кейин ўсимлик озиқларининг тўйимли моддаларини яхши ҳазм қиласди, бундай моллар анча юксак сут маҳсулдорлигига эга бўлади.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси кўрсатганидек, дағал ва ширали озиқлар рационида ўстирилган сигирлар ем-хашакни ҳазм қиласди ва шу тариқа жуда эрта ёшидаёқ етилади.

Тошкент вилоятининг Ғалаба тумани хўжалигига бу борада олиб борган тадқиқотларимиз ҳам қора -ола зотли подабоп таналарнинг тез етилишини ошириш тажрибаси яхши самара берган. Таналар тез ва оширилган даражада ўстирилди.

Тажрибада 24 ойликкача бўлган таналарнинг рацион структурасида сутли озиқлар 4,8 %ни, пичан -15,7 % ни, ширали озиқлар 28,8 % ни, кўкат озиқлар 34,8 % ни концентрат озиқлар 15,9 % ни ташкил этди.

Қишки рацион структурасида асосий қисмини ширали ва дағал озиқлар банд қиласди, ёзги кўкат озиқлар меъёрида берилган концентрат озиқлар билан аралаштирилди.

Ана шундай шароитда боқилганда пода тўлдирувчи таналар жуда яхши

ўсди. Биринчи уруғлантиришда тажрибадаги гурухларда молларнинг ўртача ёши ва тирик вазни шунга мувофиқ равишида 462-477 кг кунда 346,0-442,8 кг гатенгбўлди.

Бундай эрта уруғлантиришда тажрибадаги моллар етарлича жадал ўсиб ривожланади ва тирик вазни яхши бўлади.

Тажриба гурухларида молларнинг биринчи болалаган вақтдаги ёши шунга мувофиқ равишида 746 -761 кунга ва вазни 463,2-448,6 кг га борган. Шу билан бирга , тенгдошлрига қараганда фақат 15 кун олдин болалаган моллар гурухи лактациянинг дастлабки 70 куни мобайнида сут бериши жихатидан бошқаларга қараганда 111, 4 кг кўп сут, 6,5% дан ортиқ сут ёғи берди, барча қўшимча олинган маҳсулотнинг қиймати жихатидан бош ҳисобига 148,15 сўмга афзаллик қилган.

Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, таналарни эрта қочириш молларнинг ўйши, ривожланиши ва кейинги маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмади.

Шундай қилиб, подабоп таналарниг тез етилувчанлигини таъминлаш учун қора -ола зот ғунажинларни ўстириш даврини 27-30 ойдан 24-25 ойгача қисқартириш учун реал имконият туғилади, бунда молларнинг тирик вазни ва сут маҳсулдорлиги камаймайди. Ана шу мақсадда, ўз тадқиқотларимиз ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларини умумлаштириш асосида, подабоп таналарнинг ўсиш энергиясини ошириш учун ёши 6 ойликкача борадиган таналар рационининг тахминий структураси куйидагича бўлишини тавсия этамиз: концентрат озиқлар 20-25% гача, дағал озиқлар -30% гача ва ширали озиқлар тўйимлигини 50% гача.

Ихтисослаштирилган хўжаликларга келтирилган бузоқларни дастлабки кунларданоқ кўкат ва концентрат озиқлар ейишга ўргатиш лозим. Ана шундай шароитда боқиб ўстирилган таналарнинг ўртача суткалик эт қўшиши 750-800 граммгача боради.

Олти ойликдан ошган таналарнинг рационида қишида дағал ва ширали озиқлар, ёз мавсумида кўкат озиқлар мўл бўлиши, концентратлар эса маромида берилиши керак. Пода тўлдирувчи бузоқлар ўстиришдаги вазифалар бир ёшгача бўлганларнинг ўртача суткалик эт қўшишини 650-700 граммга, бир ярим ёшдалигига 550-600 гр ва икки ёшдалигига 450-500 граммга етказишдан

иборат бўлмоғи лозим.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда ана шундай озиқлантириш шароитларининг мавжуд бўлиши қора-ола зот подабоп таналарнинг 15-16 ойликлигига биринчи марта уруғлана олишини ва тирик вазни камидаги 340 кг тош босишини таъмин этиши мумкин.

Серсут молларнинг индивидуал тез етилувчанлигидан фойдаланиш сигир подасини тезроқ тўлдириш имконини беради, бунда энг кам харажат қилган ҳолда сут маҳсулдорлигининг генетик потенциали янада эрта юзага келади, ўстиришга кетадиган озиқ ва меҳнат сарфлари анча камаяди.

Биринчи болалашга борганда сигирларнинг умумий таннархи камаяди, пода маҳсулдорлиги ҳамда саноат негизидаги комплекс подаларини ва йирик товар фермаларини юқори маҳсулдор сигирлар билан таъминлаш тез такомиллашади.

Ҳозирги вақтда энг эрта ёшида уруғлантирилган таначалардан юқори маҳсулдор сигирлар ўстириш имконияти мавжуд. Кўпгина маълумотлар илмий адабиётларда тўпланган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қора-ола зот сигирларни жадал ўстириш ва улардан барвақт фойдаланиш, ўстиришга кетадиган озиқ сарфларини ўртacha 10-15%

Шундай қилиб, подабоп таналарниг тез етилувчанлигини таъминлаш учун қора -ола зот ғунажинларни ўстириш даврини 27-30 ойдан 24-25 ойгача кисқартириш учун реал имконият туғилади, бунда молларнинг тирик вазни ва сут маҳсулдорлиги камаймайди. Ана шу мақсадда, ўз тадқиқотларимиз ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг маълумотларини умумлаштириш асосида, подабоп таналарниг ўсиш энергиясини ошириш учун ёши 6 ойликкача борадиган таналар рационининг тахминий структураси куйидагича бўлишини тавсия этамиз: концентрат озиқлар 20-25% гача, дағал озиқлар -30% гача ва ширали озиқлар тўйимлигини 50% гача.

Ихтисослаштирилган хўжаликларга келтирилган бузокларни дастлабки кунларданоқ кўкат ва концентрат озиқлар ейишга ўргатиш лозим. Ана шундай шароитда боқиб ўстирилган таналарнинг ўртacha суткалик эт қўшиши 750-800 граммгача боради.

Олти ойликдан ошган таналарнинг рационида қишида дағал ва ширали озиқлар, ёз мавсумида кўкат озиқлар мўл бўлиши, концентратлар эса маромида берилиши керак. Подат тўлдирувчи бузоқлар ўстиришдаги вазифалар бир ёшгача бўлганларнинг ўртacha суткалик эт қўшишини 650-700 граммга, бир ярим ёшдалигида 550-600 гр ва икки ёшдалигида 450-500 граммга етказишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда ана шундай озиқлантириш шароитларининг мавжуд бўлиши қора-ола зот подабоп таналарнинг 15-16 ойликлигига биринчи марта уруғлана олишини ва тирик вазни камида 340 кг тош босишини таъмин этиши мумкин.

Серсут молларнинг индивидуал тез етилувчанилигидан фойдаланиш сигир подасини тезроқ тўлдириш имконини беради, бунда энг кам харажат қилган ҳолда сут маҳсулдорлигининг генетик потенциали янада эрта юзага келади, ўстиришга кетадиган озиқ ва меҳнат сарфлари анча камаяди.

Биринчи болалашга борганда сигирларнинг умумий таннархи камаяди, пода маҳсулдорлиги ҳамда саноат негизидаги комплекс подаларини ва йирик товар фермаларини юқори маҳсулдор сигирлар билан таъминлаш тез такомиллашади.

Ҳозирги вақтда энг эрта ёшида уруғлантирилган таначалардан юқори маҳсулдор сигирлар ўстириш имконияти мавжуд. Кўпгина маълумотлар илмий адабиётларда тўпланган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қора-ола зот сигирларни жадал ўстириш ва улардан барвақт фойдаланиш, ўстиришга кетадиган озиқ сарфларини ўртacha 10-15%

га, меҳнат сарфини 10-20%, биринчи болалашга борганда сигирларнинг умумий таннархини 10-15% га камайтириш имконини беради.

Қора-ола зот таначаларини дастлабки қочиришда мол ёшининг унинг маҳсулдорлик сифатларига ҳамда урчиб кўпайиш хусусиятига таъсири илмий асосда ўрганилган.

### **III. Тадқиқот тахлилиниң ўтказиш шароити ва услуби**

#### **3.1. Малакавий -битириув иши мавзуи бўйича изланиш - тахлилилари рефератив тариқасида бажарилди.**

2003-2005 йиллар мобайида «Зоотехния» кафедраси олимлари ва ЎЗЧИТИ олимлари билан биргалиқда бушуев зоти бўйича Сирдарё вилоятида илмий -тажриба ишлари олиб борилган.

Илмий- тадқиқотлар тахлили 2008-2009 йилларда "Зоотехния" кафедрасида, ТошДАУ ва ЎЗЧИТИ кутубхоналаридағи маълумотлар ҳам ийғилиб, тахлиллар ўтказилиб, бажарилди.

Тажриба учун ўхшашлик белгилари бўйича келиб чиқиши, ёши, тирик вазни, оналарининг сут маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 6 бошдан иборат икки гурӯх ташкил қилинди.

I - гурӯҳдаги бузоқлар туғилгандан 0-7 кунгача ўз онасини - сигирни эмиздириб ўстирилди.

II- гурӯҳдаги бузоқлар эса онасининг оғиз сутини маҳсус сўрғич- идиш орқали 0-7 кунгача ўстирилди. Сўнгра, иккала гурӯҳлардаги бузоқлар алоҳида-алоҳида сақланиб ўстирилди.

Маълумки, маҳсус идишда сўрғич орқали оғиз сутини ичиришда - шу идиш ва сўрғичда турли микроорганизмлар бўлиши мумкин.

Ветеринария ва санитария бўйича маҳсус дорилар (3% сода эритмаси ва бошқа дезинфекция қиласидаган дорилар) билан ювиб-тозалаб туриш лозим.

Илмий- тадқиқотлар тахлилиниң тажриба чизмаси 3.11.- жадвалда келтирилган.

3.1.1-жадвал

#### **Тажриба чизмаси**

Гурӯх	п	Озиқлантириш усули	Тадқиқот давоми
I	6	эмиздириб	12 ой
II	6	сўрғич идиш ёрдамида	12 ой

Ўрганиладиган масалалар:

1. Бузоқлар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши, кг

- 2.Бузоқлар тирик вазнининг ўртача кунлик ўсиш кўрсаткичлари
- 3.Мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари
- 4.Нисбий ўсиш кўрсаткичлари
- 5.Бузоқларнинг 1 кг ўсиши учун озиқа сарфи ( о/б).
- 6.Бузоқларнинг касалланиш жараёни
- 7.Иқтисодий самарадорлик

Бузоқларни озиқлантириш ва асраш усуллари бир хил эди, хўжаликда қабул қилинган технология бўйича.

Тадқиқот тахлили давомида ўрганилган масалаларни қуидагича ҳал қилинди:

-озиқаларни сарфи, уларни молларга бериш - гурухлар бўйича ҳар 2 ҳафтада бир маротаба аниқланди, берилган озиқа миқдори ва улардан қолган қолдиқларни ўлчаш йўли билан олиб борилди.

-молларнинг ўсиш кўрсаткичлари эса ҳар ойда тарозида тортиш йўли билан аниқланди.

a) Мутлоқ ўсиш:  $A = W_t - W_0$

бу ерда:  $A$  - мутлоқ ўсиш

$W_t$  - охирги оғирлик кўрсаткичи

$W_0$  - бошланғич оғирлик

б) Ўртача кунлик ўсиш

$$A = \frac{K}{t}$$

бу ерда: A - ўртача кунлик ўсиш

K - бир ойлик назорат қилиш давридаги мутлоқ ўсиш

t - иккала ўсиш давридаги сарфланган вақт

в) Нисбий ўсиш

$$K = \frac{W_t - W_0}{W_0}$$

Бу ерда K — нисбий ўсиш;

$W_t$  - охирги назорат вақтидаги ўсиш кўрсаткичи

$W_0$  - олдинги назрат вақтидаги ўсиш кўрсаткичи

Бузоқларнинг касалланиш жараёнини уларнинг турли касалликлар билан касалланишини аниқлаш йўли билан ўрганилди.

Назорат ва тажриба гуруҳлардаги молларнинг ўсиш кўрсаткичларининг фарқига қараб тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

## IV. ХУСУСИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ

### 4.1. Тажриба гурухларидаги бузоқларни озиқлантириш (12 ойгача)

Бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда күзланган тирик вазнига эришишда озиқлантириш омили алоҳида ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотларда тажриба молларига сарф қилинган озиқалар ҳаражатини ҳисобга олиш ва назорат қилиб бориш муҳим аҳамиятта эга.

Молларни озиқлантириш меъёрларини жадаллаштириш эса ўзининг ижобий самарасини беради. Молларни озиқлантиришда ҳар 10 кунда, берилган ем-хашак озиқларни ва улардан қолган қолдиқларини ўлчаб турадилар.

1-жадвалда тажриба гурухларидаги бузоқларга туғилгандан 12 ойликкача бўлган озиқалар сарфи тахлиллаб берилган.

#### 4.1.1-жадвал

Бузоқларни 12 ойликгача ўстириш учун сарфланган озиқ миқдори (о/б)

Кўрсаткичлар	Гурухлар		Фарқи ±
	I	II	
Сарфланган озиқ миқдори	1361	1264	+ 97
Ҳазм бўладиган протеин, кг	148,6	128,4	+20,2
Тирик вазнини ортиши, кг	189	168	+21
1 кг қўшилган вазнга сарфланган озиқ бирлиги	7,18	7,47	0,29

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бузоқлар 12 ойга келиб, I гурухда ҳар бир кг ўсиш учун 0,29 озиқ бирлиги кам сарфланган, чунки ушбу гурухда умумий ўсиш 21 кгбўлган.

Бу гуруҳдаги бузоқлар оғиз сутини эмиб ўсганлар.

## 4.2. 12 ойликгача ўстириш учун сарфланган озиқалар меъёрий таркиби, %

Озиқаларнинг меъёрий таркиби 4.2.1- жадвалда келтирилган.

4.2.1 -жадвал

### Тажриба ўтказиладиган таналар учун 12 ойликгча ўсишга сарфланган озиқаларнинг таркиби, %

Гурӯҳ	Озиқлар	%
I	сүт	5,6
	беда хашаги	20,4
	беда	21,6
	сенаж	8,2
	силос ( макка)	16,6
	концентратлар	27,6
II	сүт	5,6
	беда хашаги	26,8
	беда	18,6
	сенаж	9,4
	силос	16,4
	концентратлар	31,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўсиш даврида иккала гурухларга ҳам озиқ тахминан бир хил меъёрда берилилган.

## 4.3 Бузоқлар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши, кг (ўртacha қунлик, мутлоқ ва нисбий)

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш даражасини баҳолашда уларнинг тирик вазни асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

4.3.1 -жадвалда тажриба гурухларидағи бузоқлар тирик вазнининг ёши бўйича ўзгариши келтирилган.

4.3.1-жадвал

Еши, ойлар	ГУРУҲЛАР	
	I	II
Туғилгандা	27,2	26,4
3(уч)	76,6	72,6
6 ( олти)	143,8	138,8
12 ( ўз икки)	244,4	238,2

Жадвал маълумотларини тахлили шуни кўрсатадики, I гуруҳдаги бузоқларнинг 3 ойлигига ёктирик вазнининг юқори бўлиши кўзга ташланади.

I гуруҳдаги бузоқлар 3 ойлигига - 4,0 кг; 6 ойлигига 5 кг ва 12 ойлигига - 6,2 кг га юқори бўлган.

а) Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини тасвирилашда ўртача кунлик тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичларидан ёш даврлари бўйича ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу кўрсаткичлар 4.3.2. - жадвалда келтирилган.

#### 4.3.2 -жадвал

Бузоқлар тирик вазни ўртача кунлик ўсиш кўрсаткичларининг ёш даврлари бўйича ўзгариши, г.

Еш даврлари,	ГУРУҲЛАР	
	I	II
0-3	570,6	560,8
4-6	656,8	596,2
7-9	608,8	548,6
10-12	540,4	520,4

4.3.2. - жадвал маълумотларини тахлил этиш шундан далолат берадики, энг юқори ўртача кунлик вазн ўсиши 6 ойлигига, сўнг бошқа ойларда кузатилган. Бузоқлар ҳаётининг дастлабки 4-6 ойларида ўртача кунлик тирик вазн ўсиши I гуруҳда II гуруҳга нисбатан - 9,3%, 7-9 ойларда 10,4% юқори бўлган. Қолган ойларда эса фарқ оз бўлган.

в) 4.3.3 - жадвалда тажриба гурухларидаги бузоқлар тирик вазнининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари келтирилган.

#### 4.3.3 –жадвал

Бузоқлар тирик вазнининг мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари

Еш даврлари, ойлар	ГУРУҲЛАР	
	I	II
0-3	52,4	50,2
4-6	62,8	62,0
7-9	58,2	50,8

10-12	56,4	52,2
0-12	220,8	215,2

Ушбу жадвал маълумотларининг тахлили шуни кўрсатадики, I гуруҳдаги бузоқларнинг кўрсаткичлари, II гуруҳга нисбатан 7-9 ойда 7,4 кг; туғилгандан 12 ойликгача бўлган даврда эса 14,6 кг юқори бўлган, қолган даврларда катта фарқ йўқ.

е) Маълумки, молларнинг ҳақиқий ўсиш тезлигини уларнинг нисбий ўсиш кўрсаткичлари тасвирлайди.

Нисбий ўсиш бу ҳайвон организмининг муайян давр ичида, шу давр бошидаги оғирлигига нисбатан фоиз ҳисобидаги қувватидир (%).

Бу маълумотлар 4.3.3 -жадвалда тасвир этилган.

#### 4.3.3-жадвал

Таналар ёшининг даврига қараб нисбий ўсиш кўрсаткичлари (%)

Еш даврлари,	ГУРУҲЛАР	
	I	II
0-6	440,2	486,4
7-12	0,740	0,780

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бузоқларнинг юқори нисбий ўсиши уларнинг туғилгандан 6 ойлигигача бўлар экан ва бу ҳолат II гуруҳдагиларда юқори -(486,4). бўлган. Бузоқлар ёши ўсган сари нисбий ўсиш анча паст бўлган.

#### **4.4. Озиқалар сарфини маҳсулот билан қопланиши**

Бузоқлар тирик вазнининг ўсишига озиқа сарфи уларни ўсиш ва ривожланиш самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бузоқларнинг ҳар 1 кг тирик вазнига озиқа сарфи 4.4.1-жадвалда келтирилган.

4.4.1-жадвал

Бузоқларнинг ҳар 1 кг тирик вазнига озиқа сарфи

Еш даврлари, ойлар	ГУРУХЛАР	
	I	II
0-6	3,26	3,40
7-12	8,40	8,48
0-12	5,83	5,93

4.4.1 - жадвал маълумотларини кўрсатишича, гурухлардаги бузоқлар тадқиқот даврида ҳар 1 кг тирик вазнига тахминан тенг миқдорда озиқа бирлиги сарфлаганлар (фарқи -0,1), бу эса уларда озукани маҳсулотга айлантириш қобилияти бир-бирига яқинлигидан далолат беради.

Оғиз сутини эмиб ўсган I гуруҳ бузоқпарда ҳар 1 кг ўсиш учун 0,1 озиқа бирлиги кам сарф бўлган.

#### **4.5. Тажрибадаги бузоқларнинг касалланиш жараёни**

Маълумки, хўжаликда айниқса бузоқлар 20 кун ва 2 ойгача турли касалликларга дучор бўладилар.

Туққан сигирлар биринчи ҳафтада берган оғиз сутида бузоқ организмини мустаҳкам қиласиган, соғлигини сақлайдиган моддалар мавжуд, улар касалланишнинг олдини оладилар.

Бизнинг тадқиқотимизда I гуруҳдаги, яъни оғиз сутини эмизиб, ўстирилган бузоқлар 12 ойгача ҳеч қандай касаллик билан оғримаганлар.

Иккинчи -II, яъни назорат гурухидагилардан эса 2 бош бузоқ диспепсия ва 1 бош бузоқ ўпка касаллигига дучор бўлди.

Бу маълумотлар 4.5.1- жадвалда келтирилган.

4.5.1 -жадвал

**Бузоқларнинг касалланиш жараёни**

Гурӯҳ	П	Диспепсия		Ўпка касалликлари		Бошқа касалликлар
		бош	%	бош	%	
I	6	-	-	-	-	-
II	6	2	33	1	17	-

4.5.1 -жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, оғиз сутини эмиб ўсган бузоқлар анча резистентли хусусиятга эга бўлганлар.

#### **4.6. Изланиш таҳлилиниң иқтисодий самарадорлиги (кг, сўм, %)**

Хўжаликдаги айрим иқтисодий кўрсаткичлар:

1 кг гўштнинг келишилган бозор нархида сотиш – 15000 сўм

1 кг гўштнинг таннархи - 14500 сўм.

1 озиқа бирлигининг таннархи – 1000 сўм.

Тажриба гурухларидағи бузоқларнинг 12 ойлигидаги тирик вазни

I гурухда – 229,8 кг

II гурухда – 215,2 кг

##### **1. Бозорда сотилганда:**

$229,8 \times 15000 = 3\,447\,000$  сўм = I гурух

$215,2 \times 15000 = 3\,228\,000$  сўм = II гурух

##### **2. Махсулот таннархини аниқлашда:**

$229,8 \times 14500 = 3\,332\,100$  сўм = I гурух

$215,2 \times 15000 = 3\,120\,400$  сўм = II гурух

##### **3. Агар, бузоқлар 1 суткада 0,5 кг дан ўсса**

**365 кун (1 йил) x 0,5 кг = 182,5 кг ўсади.**

Агар ҳар бир кг ўсиш учун 1000 озиқа бирлиги сарф бўлса

Унда:  $182,5 \times 1000 = 182\,500$  озиқа бирлиги сарф бўлади.

Энди:  $182\,500 : 229,8 = 7,94$  озиқа бирлиги = I гурух

$182\,500 : 215,2 = 8,48$  озиқа бирлиги = II гурух

Буларнинг фарқи =  $8,48 - 7,94 = 0,54$  озиқа бирлиги

Демак, II гурухдаги бузоқлар ҳар бир кг ўсиши учун 0,54 озиқа бирлиги кўп сарф қилишган.

Агарда 12 ойда II гурухдаги бузоқлар 215,2 кг ўстган бўлса:

$$215,2 \times 0,54 = 116,2 \text{ озиқа бирлиги кўп сарф бўлган.}$$

Агар 1 озиқа бирлиги таннархи 1000 сўм бўлса:

$$116,2 \times 1000 = 116200 \text{ сўм бўлади.}$$

Ана шу сўмни II гурухдаги бузоқларнинг ўсиш кўрсаткичлари таннархига қўшамиз.

$$3120400 + 116200 = 3236600 \text{ сўм.}$$

4. Фойдани аниқлашда даромаддан таннарх айрилади.

$$\text{Демак, } 3447000 - 3332100 = 114900 \text{ сўм I гурух}$$

$$3228000 - 3120400 = 107600 \text{ сўм II гурух}$$

5. Рентабеллик даражасини аниқлашда фойда 100 га кўпайтирилиб, таннархга бўлинади.

$$\text{Демак, } 114900 \times 100 : 3332100 = 3,45 \% \text{ I гурух}$$

$$107600 \times 100 : 3120400 = 3,44 \% \text{ II гурух}$$

Иzlaniш таҳлилиниң иқтисодий самарадорлиги 4.5.1-жадвалда келтирилган.

#### 4.5.1-жадвал

##### **Иzlaniш таҳлилиниң иқтисодий самарадорлиги**

Гурух	Олинган маҳсулот	Даромад, сўм	Махсулот таннархи, сўм	Фойда, сўм	Рентабеллик даражаси, %
I	229,8	3447600	3332100	114900	18,2
II	215,2	3120400	3120400	107600	17,0

## **V. ХУЛОСАЛАР ВА АМАЛИИ ТАВСИЯЛАР**

- 1.Туғилган бузоқларни онасининг оғиз сути билан эмизиб ўстирилганда сүрғич -идишларда озиқлантиришга нисбатан ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлган.
2. I тажриба гуруҳидаги (эмизиб) ўстирилган бузоқларнинг 12 ойгача бўлган мутлоқ, нисбий ва ўртacha кунлик ўсиш кўрсаткичлари **II** гурух, яъни назорат гуруҳдагиларга нисбатан юқори бўлган.
3. Туғилгандан 0-7 кунгача бўлган даврда I гуруҳдаги бузоқлар ҳар 1 кг ўсиш учун 6 ойлигига 0,4; 7-12 ойлигига 0,06 озиқ бирлиги ва туғилгандан 0-12 ойлигача 0,04 озиқ бирлиги камроқ сарф қилганлар.
4. I гуруҳидаги бузоқлар изланиш даврида турли касалликлар билан кам касалланганлар ( умуман касалланмаганлар).
5. I гуруҳидаги бузоқлардан кўпроқ даромад ва фойда олинган. Уларнинг рентабеллик даражаси ҳам устун бўлган.

## **ТАВСИЯ**

Туғилган бузоқларни оғиз сути билан бир ҳафта эмизиб боқиши усулида ўстириш тавсия қилинади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ислом Каримов – Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. “Ўзбекистон”, 1997
2. Акмалхонов Ш.А. – Рост, развитие и качество мяса бычков при использовании хлопкового шрота. Ташкент. 1995
3. Акмалхонов Ш.А., Будагов Г.А., Безверхов А.П., Раҳмонов Д.О. – Применение низкогоссипольного сафлорового шрота в кормлении крупного рогатого скота. Рекомендация, Ташкент, 2008
4. Акмалхонов Ш.А. – Сигирларни бир турдаги озиқлантириш технологиясига оид тавсиялар. Тавсиянома, Тошкент, 2009
5. Богданов Е.А. – Обоснование принципов выращивания молодняка крупного рогатого скота. М. 1947
6. Бороздина А.П. – К вопросу о влиянии живого веса телок в молодом возрасте на последующую их продуктивность. Труды Московской ветеринарной академии, Т. 39, 1961
7. Гаркави О.В. – Влияние разного кормления молодняка крупного рогатого скота на его развитие. М.
8. Даниленко А.А. – К вопросу о сохранении и выращивании высококачественного молодняка. «Животноводство» № 12, 1954
9. Демченко П.В., Петров В. – Опыт выращивания молодняка. Вологда, 1939
10. Дракин Л.А. – Выращивания молодняка крупного рогатого скота остфризской породы при разных уровнях кормления. Сборник научных работ, М., 1956
11. Дудин С.Я., Рындин Г.Л. – Интенсивное выращивание и откорм молодняка калмыцкой породы. «Животноводство» №4, 1964

12. Жак М.К. – Влияние обильного и умеренного кормления на развитие молодняка крупного рогатого скота. Труды Автозо-Черноморской краевой опытной станции, вып. 3, 1936
13. Калашников А.П. – Наша практика выращивания племенного холмогорского скота. «Животноводство» №8. 1954
14. Карманов Н.Г. – Влияние типа кормления молодняка крупного рогатого скота на формирование мускулатуры и костяка. Труды Уральского НИ института сельского хозяйства, т. 3, Уральск, 1961
15. Клейменов Н.И. – Выращивание телят на разных уровнях молочного питания. Труды Ярославской опытной станции по животноводству. Ярославль, 1960
16. Клейменов Н.И. – Выращивание телят Ярославской породы при разных уровнях молочного кормления. Труды Всесоюзного НИ института животноводства, т.25., М., 1963
17. Красота В.Ф. – Влияние кормления на развитии молодняка бестужевской породы. «Животноводство» №4, 1953
18. Куманов С., Палиев Х. – Влияние уровня кормления одновозрастных телят на их рост, развитие и продуктивность. «Животноводство» №5, 1964.
19. Левантин Д.Л. – Влияние уровня питания на рост, развитие и мясную продуктивность молодняка симментальской породы. «Советская зоотехния» №11, 1950
20. Левантин Д.Л., Гунеева Э.К. Влияние разного уровня кормления на рост и развитие молодняка крупного рогатого скота. Труды ВИЖ, т 24, Дубровицы, 1962
21. Лискун Е.Ф., Мышкин Н.Ф. и др. – Выращивание молодняка крупного рогатого скота. Сельхозгиз, 1934
22. Носиров У.Н., Усмонов О., Мухамедов М. – Фермер бўламан.

Тошкент, “Мехнат”, 2002

23. Обрезанов И.И. – Выращивание телят на ограниченных нормах молока. “Животноводство” №1, 1964
24. Первов Н.Г. – Использование препаратов террамина молодняку крупного рогатого скота в возрасте 1-1 ½ лет. Сб плениум по применению антибиотиков в животноводстве и ветеринарии. М., 1960
25. Подоба Е.Г. – Некоторые закономерности роста молодняка крупного рогатого скота и направленное использование их с целью повышения продуктивности. Журнал общей биологии, т.19, №1, 1958
26. Пшеничный П.Д. – Проблема направленного воспитания молодняка сельскохозяйственных животных. «Агробиология» №6, 1948
27. Пшеничный П.Д. – О принципах выращивания сельскохозяйственных животных. «Животноводство» №1, 1966
28. Ральстон А. – Стимуляция роста. «Сельское хозяйство за рубежом» №11, 1963
29. Решетникова Н.Ф. – Связь живого веса при рождении с другими хозяйствственно-полезными признаками у крупного рогатого скота. Сб «Генетические основы селекции сельскохозяйственных животных», Новосибирск, 1965
30. Свечин К.Б. – Теория и практика современных направлений в исследованиях индивидуального развития животных. «Животноводство» №10, 1963
31. Филипсона А.О. – О некоторых особенностях пищеварения жвачных и новые данные о выращивании молодняка. «Сельское хозяйство за рубежом», серия «Животноводство» №3, 1961

32. Фомин А.А. – Развитие молодняка симментальской и швицкой пород. «Проблемы животноводство» №9, 1936
33. Шаймуродов Н.Т. – Голштинлаштирилган қора-ола зотли турли вазнда туғилған бузоқларнинг ўсиш, ривожланиш ва маҳсулдорлик белгилари. Автореф. Тошкент. 2008
34. Эктор В.А. – Постэмбриональный весовой рост мышц у молодняка крупного рогатого скота при разных условиях питания. Докл. ТСХА, вып. 2., 1950